**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**низомий номидаги**
**тошкент давлат педагогика университети**

# Эшитиш идрокини ривожлантириш методикаси

(ўқув қўлланма)

Тошкент - 2007

# АННОТАЦИЯ

Тақдим этилаётган «Эшитиш идрокини ривожлантириш методикаси» ўқув қулланмаси Дефектология таълим йўналишида таҳсил олаётган талабалар учун мўлжалланган бўлиб унда эшитишид нуқсони бўлган болалар эшитиш қобилиятини ўрганиш, аниқлаш ва улар билан олиб бориладиган коррекцион педагогик ишлар ҳақидаги бўлғуси мутахассис учун зарур билим, малака ва кўникмалар берилган.

# СЎЗ БОШИ

Карлар ва заиф эшитувчилар жамиятнинг ижтимоий-маиший ва ижтимоий фаолиятига тўлақонли кириш учун оғзаки нутқни ўзлаштиришлари лозим. Карларда оғзаки нутқни ривожлантириш, эшитишни қабул қилиш ва уни тиклаш асосида амалга ошади. Эшитишни қабул қилиш ишларига билим ва тажрибаларни фарқлаш, кўришдан фарқли равишда эшитишни қабул қилиш нутқли материал киради.

Кар ўқувчиларнинг эшитув идрокини ривожлантиришда асосий вазифалар қуйидагилардан иборатдир:

- уларнинг эшитиш қолдиғини ривожлантириш;
- шу асосда янги эшитув-кўрув негизини оғзаки нутқида сифатли идрок этиш;
- карларнинг эшитув идрокини ифодали нутқини қабул қилишда ишлата олиш;
- карларда товушлар ҳақидаги тушунчаларни бойитиш, ташқи шароитдаги товушларни англашни ўргатиш.

Қуйидаги вазифаларни эшитиш қобилиятини ривожлантириш ишини тизимли равишда олиб боришда асосий омил саналади. Карларда эшитув идрокини ривожлантириш овоз кучайтиргич аппаратларнинг стационар ёки индивидуал типидаги кенг қўллашда амалга оиширилади.

Ўкитиш мобайнида фронтал машғулотларда стационар аппаратура, индивидуал машғулотларда эса стационар овоз кучайтиргич қурилмалар ва индивидуал эшитиш аппаратлари қўлланилади.

Кар болаларда эшитув идрокини ривожлантиришда нутқининг кучланиш режимини тўғри йўлга қўйиш асосий омил деб ҳисобланади.

## Кар ва заиф эшитувчи болаларнинг эшитиш қобилиятини тадқиқ қилиш методлари.

Нутқ эшитиш қобилиятини тадқиқ этиш энг оддий ва осон метод ҳисобланади. Бу методнинг қулайлиги шунда кўринадики, бунда махсус асбоблар ва жиҳозлар бўлиши шарт эмас. Эшитиш қобилиятини тадқиқ этишда шивирлаган ва баланд овоздаги нутқ қўлланилади. Шивирлаб гапиришнинг у ёеи бу даражада тезлаштириш учун сўзларни талаффуз қилиб туриш тався этилади. Шивирлаб гапиришнинг 6 – 7 метр масофадан қабул қилса эшитиш қибилияти нормал ҳисобланилади.

Бир метрдан камроқ масофадан шивирлаб гапиришни қабул қилининиши эшитиш қобилиятининг маълум даражада пасайганлигини билдиради. Шивирлаб гапиришнинг эшитмаслиги эшитишнинг пастлиги эканлигини билдиради.

Дастлаб шивирлаб гапиришга қараганда тахминан 10 метр кўп бўлган масофадан эшитиш мумкин бўлган ўрта ёки баланд нутқ қўлланилади.

Агар оғзаки баланд нутқ ёмон фарқ қилинса ёки бутунлай фарқ қилинмаса кучли овоздаги нутқ ( қичқириқ ) қўлланилади.

Ҳар бир қулоқнинг нутқни эшитиш қобилиятига алоҳида тадқиқ қилинади. Бир қулоқ текширилаётганда иккинчи қулоқ бармоқ билан ёки пахта тиқиб берктилади. Агар текширилаётган қулоқ эшитмаса, иккинчиси эшитса, эшитаётган қулоққа пахта тиқилиши мақсадга мувофиқ эмас, чунки эшитадиган қулоқ эшитмайдиган қулоқ текширилаётганда унга айтиладиган гапни эшитади.

Шунинг учун эшитадиган қулоққа, у эшитмаслиги учун қаттиқ овоз чиқарадиган шақилдоқ шақиллатиб турилади. Нутқни қабул қилишни текширишда яқин масофадан бошлаш керак.

Текширилаётган бола барча сўзларни тўғри такрорласа, кўп талаффуз қилинаётган сўзларнинг фарқлай олмагунча, орадаги масофа аста – секин кўпайтириб борилади. Гапирилаётган гапнинг 50 фоизини фарқлай олса, шу масофа нутқни қабул қилиш чегараси ҳисобланади.

Эшитиш қобилиятини текшириш натижалари фақатгина эшитишнинг ўткирлиги ва ҳажмига боғлиқ бўлмай, балки эшитилаётган нутқнинг фонема, сўз, ибора каби элементларини фарқлай олиш қобилияти билан ҳам боғлиқдир. Шундай сўз ва ибораларни топиш керакки, бу сўзларни болалар осон тушунсин.

Эшитиш қобилиятини аудиометр ёрдамида текшириш энг мукаммал усул ҳисобланади.

## ЭШИТИШ ҚОБИЛИЯТИНИ АУДИОМЕТР ЁРДАМИДА ТЕКШИРИШ.

Ҳозирги вақтда аудиометрнинг куп турлари ва моделлари ишлаб чикарилган. Эшитиш қобилиятини текширишнинг икки хили бор: ҳаво йули орқали товуш ўтказиш механизми орқали текшириш ва суяк орқали текшириш. Товушларнинг тезлиги жуда катта чегарада ўзгариши мумкин: эшитииш қобилиятини қабул қилиш чегарасининг пастки қисмидан то 120 -125 гача ( ўрта баландликдаги товушлар учун).

.

Аудиометр орқали чиқадиган овознинг баландлиги катта диапазонда 150 дан то 10000 ичига олади.

Баъзи аудиометрларда товуш баландлигининг ўзгаришига маҳсус регулятор – нинг майин ҳаракат воситаси билан эришилади, бу эса шу типдаги аудиометр частотаси ҳажми чегарасида ҳар қандай частотага эришиш имконини беради. Кўпчилик аудиометрлар чекланган миқдорда муайян частотани вужудга келтиради.

Аудиометр ёрдамида эшитиш сезгисини ўлчаш оддийгина амалга оширилади. Маҳсус дасталарни айлантириш йўли билан товуш баландлиги ва тезлигини ўзгартириб, минимал тезлик ўрнатилади, муайян тезлик баландлиги зўрға эшитилади (тезлик чегараси).

Текширилувчи махсус кнопка ёрдамида эшитиш мавжудлиги ҳақида сигнал беради, кнопка босилганда аудиометр панелида чироқ ёнади.

Текширилувчи товуш эшитилиши мобайнида кнопкани узлуксиз босиб туради, мана шу вақт ичида сигнал чироғи ёниб туради, тўхтагач чироқ ҳам ўчади. Текширилувчини шундай жойлаштириш керакки, у аудиометрнинг олдинги панелини кўрмаслиги ва аудиометр дасталари қандай ўрнатилганлигини кузата олмаслиги керак. Баъзи аудиометр моделларида сигнал кнопкалари йўқ. Бундай ҳолларда текширилувчи эшитишнинг пайдо бўлиши ва йўқолиши ҳақида оғзаки (эшитаман-эшитмайман), ёхуд қўлнинг кўтариши ёки тушириши орқали сигнал беради.

## НУТҚ АУДИОМЕТРИЯСИ .

Нутқ аудиометияси нутқни фарқлаш чегарасини аниқлайди. Товуш частотаси генератори ўрнига магнитофон қўлланилади, магнитофон лентасига маҳсус танланган сўзлар, яъни нутқ материали ёзиб олинади. Бу магериал магнитофондан нутқ тезлигини ўзгаришга ва уни ДБда ўлчанишга имкон берувчи қўндирмага сўнгра телефон наушниклар орқали текширилувчига узатилади.

Нутқ аудиометриясининг мақсади нутқни аниқ қабул қилиш чегарасини аниқлаш лашдир.

## БОЛАЛАРДА ЭШИТИШ ҚОБИЛИЯТИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ

Нутқни эшитиш қобилиятини текширишдан аввал, бола ҳақида қисқа маълумот йиғиш лозим: илк жисмоний ривожланиш, нутқни ўсиши, эшитиш қобилиятини йўқотишнинг вақти ва сабаби, эшитиш қобилиятини йўқотишнинг характери, нутқни йўқотишнинг характери ( нутқ билан эшитиш қобилиятини бир вақтда йўқолиши ёки бир қанча вақтдан кейин тўсатдан ёки аста- секин ), тарбия шароити.

Текшириш тинч шароитда, шовқинлардан ҳоли бўлган хонада ўтказилиши керак Вибрацон сезгилари орқали овозни қабул қилиш имкониятини йўқотиш учун боланинг оёғи тагига гиламча солинади. Боланинг кўз олдида ойна бўлмаслигини кузатиб туриш керак.Боланинг нотаниш шароитга бўлган таъсирини йўқотиш ёки камайтириш учун ёхуд улар билан тезда муносабатда бўлишда ота-она ёки педагогнинг иштирок этиши тавсия этилади. Текшириш олдидан болага эшитилаётган овоз га қандай таъсир кўрсатиш кераклиги тушунтирилади ( қайрилиб қараш, товуш манбаини кўрсатиш, айтилаётган товуш ва сўзни такрорлаш, қўлини кўтариш, кнопкани

босиш). Боланинг туғилган дастлабки кунларидаёқ унинг товушга нисбатан таъсирини билиш мумкин. Бунинг учун товушдан таъсирланиш ( баланд овоз, қўнғироқ жаранги, хуштак овози ) натижасида юзага келадиган ва гўдак бошини қимирлатиши, қовоқларини ҳаракатлантириши, эмизилаётган пайтида эмиш ҳаракатидан тўхташи юз берадиган орентир таъсирланишдан фойдаланилади. Бу реакциялар ( таъсирланиш ) шартсиз рефлекс характерига эга. Гўдак болаларда товушга бўлган шартли реакцияни ҳам ҳосил қилиш мумкин.

Ясли ёшигача бўлган ва кичик ясли ёшидаги ( 2 – 4 ) болаларнинг эшитиш қобилиятини текшириш учун овозли ўйинчоқлардан фойдаланиш лозим.

Болаларнинг эшитиш қобилиятини текширишда объектив аудиометрия деб номланган метод катта аҳамиятга эга.

# Ўқитишнинг дастлабки даврида эшитув идрокнинг ривожлантириш бўйича олиб бориладиган ишларнинг ўзига хослиги ( Эшитиш хонасида фронтал дарслар ).

Эшитув идрокини ривожлантириш бўйича олиб бориладиган ишларнинг дастлабки босқичида нутқсиз товушларни ўрганишдан бошланади. Бу товушлар кўпроқ садо чиқариш, частота характеристикаси турли туман бўлади, шунингдек товуш номини белгилашда сўз запаси унга кўп талаб қилинмайди. Бу болалар учун, айниқса махсус тайёргарлиги бўлмаган болаларнинг мактабга чиқишида жуда муҳимдир. Нутқсиз товушни болалар тез илғаб оладилар.

Нутқсиз товушларни ўрганишдан асосий мақсад, болаларда атроф-муҳит ҳақидаги тасоввурни аниқлаш, уларнинг эшитув анализаторларини турмушга, яъни кундалик ҳаётга йўналтрилмоқ, сўнгара нутқни идрок этишга тайёрлашдир. Нуқсиз товуш орқали эшитув идрокни ривожлантириш программаси шундай тузилган, бунда ўқувчилар эшитиши қулай бўлган товушлардан (доира, най) лекин бир-биридан кескин фарқ қиладиган товушлардан фойдаланилади.

Секин-аста унча баланб бўлмаган товушларни фақлашга (гармоника ва метолофон) ўтилади. Бир вақтни ўзида товушни нутқ билан қарқлашга, яъни ўқувчиларни нутқ конструкцияси билан (доира овози чапдан келаяптими?, мен доира овозини эшитаяпман) товушни англашга ўргатилади.

Нутқсиз товуш орқали эшитув идрокини ривожлантириш бўйича ишлашда дастлаб товушларни идрок этишда товушларни фарқлаган ёки фарқланмаган товушга бўлиб ўрганилади.

Нутқсиз товшни идрок этишда фарқланадиган товуш деганда келиб чиқиши номалум товуш, яъни ўқувчилар товушини эшитади лекин униқайрдан чиққанлигини аниқлай олмайди.

Фарқланмаган товушни идрок этиш бўйича бўладиган дастлабки дарсларда ўқувчиларнинг эшитиш диапазони частотаси ва динамикасини ҳисобга олинади ва нутқсиз товушлардан фойдаланилади. Бунинг учун товушларни интенсивлигини ва частота характеристикаси бўйича, етарли даражада кучли бўлади, яъни болалар ва твушларни товуш кучайтиргич аппарати ёрдамида эшита олишлари керак. Бунда болалар агар товушни эшитса қўлларини кўтарадилар.

Ўқитишдан олдин ўқитувчи ўқувчиларга товуш келадиган манбаъни кўрсатади (доира ..........) доира товушини эшиттириб, ўқувчиларнинг эшитиш қобиляти ва кўриш хусусиятидан фойдаланиб, товушни идрок этишда (доира чалингандан сўнг), яъни эшитса ўқувчи қўлини кўтаради агар товуш бўлмаса қўлини кўтаришираk эмас.

Ҳар бир ўқувчи то вушни идрок этиб, қўлини кўтара бошлайди. Ўқитувчи ўқувчига кўзини юмишини, бошини эгишини ва 2–3 марта доира чалишни (доирага уришни) сўрайди, товшни эшитган ўқувчилар қўлларини кўтаришлари керак.

Ўқувчиларни текшириш учун ўқитувчи айрим пайтда доирани чертмайди, ўқувчидан кўзини очишини илтимос қилади ва товушни эштдиларингми деб сўрайди. Ўқитувчи дарсни то ҳар бир ўқувчи ўрганиб олгунча ёки товушни фарқламагунча довом эттиради, кўпчилик ўқувчи ўзлаштиргандан кйин дарсни тугатиш мумкин.

Олиб бориладгина дарсни янада такомиллаштириш учун қуйидаги машқлар бажаришги лозим.

1. Ўқувчиларга байроқчалар тарқатилади. Ўқувчи асбоб ёрдамида товуш чиқаради, ўқувчилар байроқчаларини кўтаради, товуш эшитмаслар бойроқни кўтармайдилар.
2. Ўқувчилар ўқитувчи ўтирган столга орқалари билан турадиган жойларидан юриш маршини қиладилар, товуш тўхтатиши билан уоар ҳам тўхтайдилар.

Нутқсиз товушни идрок этшни фарқлаб уникелиб чиқиш манбаъини айтиб бера олади, яъни бола доира товушини ёки қўнғироқ товушни аниқ айтади. Бунда албатта товуш кучайтиргич аппаратидан фойдаланиш керак.

Биринчи дарсларда бир-биридан товушлар кескин фарқ қиладиган товуш манбаъларидан, масалан доира ёки найдан фойдаланилади.

Ўқувчи эшитув идроки орқали най товушидан, доира товушини албатта фарқлай олиши керак, ўқитувчи берган намунани нутқ орқали ифодалай олиши керак.

Дастлаб, ўқитувчи ўқувчиларда бу ўйинчоғни билиш – билмаслигини аниқлаб олади. Масалан, ўйинчоқни кўрсатиб бу нима дейди. Агар ўқувчи айтишга қийналса, унда ўқувчи бу ўйичоқ номини ўзи айтади. Доскага расм ( бирор нарсани ифода этган) ва уни тагига нималиги ёзиб қўйилган жадвал осиб қўйилади, масалан,

Бу барабан

Жадвални доскага осиб қўйгандан сўнг, ўқитувчи ўқувчиларга шу ўйинчоқдан чиқадиган товушга қулоқ солишни буюради ва савол беради.

“ Сен нима эшитдинг ” ( саволлар доскага олдиндан ёзилган бўлиши керак ). Ўқувчи жавоб беради: “ Мен най товушини эшитдим ”. Бу вазифа ўтиб бўлингандан кейин ўқитувчи фақат товушга суянган ҳолда иш олиб боради. Секин – аста янги товушларни қўшиб борилади. Дарсда 4 – 5 товушдан ортиқ фойдаланиш тавсия этилмайди. Ўша ишлатилган 4 – 5 товушнинг ичида 3 таси янги бўлиши керак.

Товушлар сони қанча кўп бўлса, болалар уларни фарқлашда кўп қийналадилар. Кейинги дарсларда болалар бир – бирига яқин бўлган товушларни фарқлашга ўтадилар, масалан барабан товушидан доира товушини, най товушидан хуштак товушини, металафон билан гармоника. Бу вазифани турли ўйинли машқларда ўтказиш мумкин.

1. Болалар доира шаклида турадилар, ҳар бирини қўлида товуш чиқарадиган ўйинчоқ. Бошловчини кўзини бойлаб қўядилар. Ўқитувчи ишораси билан ўқувчилардан бири ўйинчоғи орқали товуш чиқаради. Бошловчи эса қанақа товуш эшитганини аниқлаши керак.

2. Болалар партада ўтириптилар, улар олдида товуш чиқарадиган ўйинчоқ ёки расм бор. Ўқитувчи товуш чиқаради, ўқувчи ўйинчоғини ёки расмини кўтаради ва шунга мослаб нутқли товуш чиқаради. Кейинги дарсларда ўқувчиларга асбобда чиқарадиган сигналлар сонини аниқлаш топширилади. Ўқитувчи барабанга уриб товуш чиқарар экан, бир вақтни ўзида бармоғи билан ҳар бир чиққан товушни санай бошлайди. Ўқувчилар эса дастлаб ўқитувчи билан биргаликда такрорлайдилар,

кейин эса, мустақил ўзлари санай бошлайдилар. Бир неча марта бу машқ турли асбобларда ўқувчилар томонидан такрорланади. Бунда ўқувчилар кўрув анализаторларисиз эшитув идроки ёрдамида чиққан сигналларни бармоқлари билан санайдилар. Билимни мустаҳкамлаш учун шундай машқ ўтказиш мумкин. Ўқитувчи асбобда бир неча марта сигнал беради, ўқувчилар эса бармоқларида эшитган сигналларини санайдилар, чапак чаладилар ( масалан, тўрта сигнал эшитсалар тўрт марта чапак чаладилар ) асбобларда такрорлайдилар, айлана таёқчалар чаладилар. Дарс программасида товуш чиқиш манбаъи томонлари, яъни товуш қайси томондан чиқаяпти, ўнгданми, чапданми, олдиндами, орқаданми? Ана шуларни ҳам аниқлаш кўрсатилган. Бу вазифа товуш кучайтиргичсиз олиб борилади. Бунда дарс эшитув, кўрув анализаторларига суянган ҳолда олиб борилади. Биринчи навбатда товушлардан бошлаш керак, чунки товуш инсон амалиётида аҳамиятга эга, масалан, эшик тақиллатилади ёки қўнғироқ чалинади, автомашина ўтиб кетганда албатта шовқин эшитилади.

Ўқувчининг вазифаси товуш товуш чиққан манбаларни аниқлаш ва уларни нутқ билан ифодалашдир. Машқ бошланишида товуш манбаи айтилади ва қўл билан товуш чиққан томон кўрсатилади. Товуш чиққан манбани айтишдан олдин, ўқувчиларга чап, ўнг, олд, орқа тушунчаларини маъносини яхшилаб ўргатиш керак. Болаларга шундай савол бериш мумкин: парта қаерда жойлашган? Доска қани? Дераза, эшик қаерда? Бу машқларни иложи бўлса кенг, катта хонада олиб бориш керак, хонанинг тўртта бурчагига кучайтиргич динамиклари ўрнатилиши керак.

Ўқувчилар хона ўртасига айлана шаклида турадилар. Сўнгра динамиклардан галма – галдан товуш чиқарилади, ўқувчи қайс томондан қанақа товуш келаётганини аниқлайди. Қуйидаги машқлар тавсия этилади.

1) Болалар катта айлана ҳосил қилиб турадилар. Уларнинг ҳар бирларида товуш чиқарувчи асбоб бўлади ( ўйинчоқ ), бошловчи айлана ўртасида туради, уни кўзи бойланади. Болалардан бири қўлидаги ўйинчоғи орқали товуш чиқаради, бошловчи товуш чиққан томонни қўли билан кўрсатади ва жавоб беради.

Мен гармоника товушини ўнг томондан эшитдим.

2) 4 та ўқувчи хонанинг 4 та бурчагида турадилар. Бошловчи хона ўртасида туради, унинг кўзини бойлаб қўйишади. Ўқувчилардан бири ўйинчоғи билан товуш чиқаради, бошловчи товуш чиққан томонни қўли билан кўрсатади, қайси ўйинчоғидан товуш чиққанлигини аниқлаб айтади, товуш чиққан томонга бола ёнига боради. Эшитув идрокини ривожлантириш бўйича олиб бориладиган программанинг бирида товуш садосининг баландлиги, кучли ва давомийлиги, кетма – кет қўшилганлиги ва узлуксизлигини аниқлашга мўлжалланган. Бу бўлимнинг вазифаси болаларни товушни узун ва қисқалиги, қўшилган ва узилганлиги, баланд ва пастлигини аниқлай олишга ўргатишдир.

Бу вазифани ўқувчилар товуш чиққан манба ва йўналишни аниқлай оладиган бўлганларидан кейин бошлаш керак.

Бошида ўқитувчи эшитув ва кўрув анализаторларига суянган ҳолда болаларга иккитагача товушни эшитишни таклиф этилади ( узун ва қисқа ) ва сўрайди. “ Товушлар бир – биридан нима билан фарқланади ”. Ўқитувчи ўқувчилар билан аниқлай бошлайдилар: битта товуш – узун, иккинчиси қисқа. Ўқитувчи доскада товушларни график тасвирини тўғри чизиқлар билан чизади.

| uzun | qisqa |
|---|---|

Ўқувчилар олдин ўқитувчи билан биргаликда, кейинчалик мустақил равишда товушнинг узун – қисқалигини кўрсата бошлайдилар. Бунда улар қўлларини гори – зонтал йўналишда катта очадилар – демак, бу узун товуш, қисқа товушни аниқлашда қўлларни салгина очадилар. Машқ нутқ билан жўр бўлиб олиб борилади. Мен барабаннинг қисқа (узун) товушини эшитдим ёки барабан узоқ жаранглади. Болалар товушнинг узун – қисқалигини аниқлаб олганларидан кейин, товушнинг бошқа хусусиятларини ўргана бошлайдилар. Масалан: товушнинг паст – баландлиги, қўшилган ёки узоқлиги худди шундай машқлар билан ўрганилади.

Юқоридаги машқларни нутқсиз товуш ритмларини фарқлашга, оддий ҳосил қилувчи товушларни ўрганишдан ўтиш керак.

Бу бўлим вазифаси ҳам кўпгина қисқа товушлар ичида узун товушни аниқлаш, оддий бўғин ҳосил қилувчи товушлар ритмини эшитиб аниқлашга ва уларни овоз (товуш) да такрорлашни билишга бағишланади. Бу машқлар ўқувчиларда эшитув идрокни ривожлантирилади ва сўздаги урғули бўғинни фарқлашга ўргатади.

Шунинг учун нутқсиз ритмларни фарқлаш бўйича бажариладиган машқларда бир неча калта товушлар ичида битта узун товушни ажратиб олиш керак ва овоз билан шу узун товушни оддий бўғин ҳосил қилувчи товушларни кўрсатиши керак. Масалан: тата, татата.

Нутқсиз ритмларни график усулда тасвирлашда қуйидаги белгилардан фойдаланилади ( қавс устида чизиқчаси билан, урғуси бўлса қавсни ўзи ).

Ўқитувчи ўқувчиларнинг эшитиш ва кўрув идрокига суяниб, бир қатор барабанда жаранглайдиган товушлар ичида узунроғини танлайди ва бу ритмни кафтлари билан чапак чалиб ёки партага ёки барабанга қўли билан ўша оҳангни уриб бажаради: ритмни доскага ёзиб яна такрорлайди.

Бир қатор машқлар бажарилгандан кейин ўқувчиларга шу ритмни фақат эшитув орқали такрорлаб ва барабанда бажаради.

Кейинги дарсларда узунроқ товушни бўғин ҳосил қилувчи товушлар билан боғлиқ ҳолда бажариш керак, бунда бўғинлардан бирини узунроқ ва зўр бериб айтилади. Бу бўғин ҳосил қилувчи товушларни доскага нутқсиз ритмларни ифодаланган белгиларга мослаб ёзилади.

Уларни бажаришдан олдин бир – бирига қўшилган ҳолда, кейинчалик товушларни қайтариб бажарилади.

Билимларни мустаҳкамлаш учун қуйидаги машқларни бажариш керак:

1. Ўқитувчи садо (ритм) чиқаради, ўқувчи чапак чалиб шу садони бажаради.
2. Ўқитувчи ёки бошловчи барабанда ёки доирада ритм бажаради, ўқувчилар уни бошқа асбобларда бажарадилар.
3. Ўқитувчи асбобларда ритм бажаради, ўқувчилар эса ритмни график белгисини ёзади.
4. Ўқитувчи ёки бошловчи оғзида бўғинли ритм бажаради ( масалан, татата, тата-та), ўқувчилар эса бўғин ҳосил қилувчи ритмни ёзиб оладилар ва улар ҳам оғизларида айтадилар.

Эшитишда нуқсони бўлган болаларда ҳайвонлар ва қушлар товушни фарқлаш бўйича олиб бориладиган машқлар зўр қизиқиш уйғотади.

Навбатдаги бўлим, бу граммофон пластикнасининг ёзувдаги овоз характерини аниқлашдир ( ........вальс ва маршдан, ашулани гапдан, хорни яккахон ашуладан, эркак овозини аёл киши овозидан фарқлаш ).

Бу бўлимнинг асосий вазифаси – музика ритмлари характерини аниқлаш, уларни оҳангига қараб солиштириш. Программанинг бўлимларидан бири ўқитувчи овози билан ўқувчи овозини эшитув идрокига қараб фарқлаш.

Шу машқлар ёрдамида ўқувчилани атрофдагиларнинг нутқини тушунишга ўргатиш дастлаб болалар этилган овоз кимга тегишли эканлигини аниқлашга ўрганадилар. Секин – аста улардан нутқ мазмунини аниқлаш ҳам талаб этилади. Бу машқлар ўқитувчи ёки навбатчи синфда йўқлама қилиш билан бошланади. Кейинчалик шеърни ким ўқигани аниқлашга ўтилади. Бунинг учун ўқитувчи томонидан ўқилган шеър парчаси доскага ёзилади ва ўқувчилар бу парчани эшитиб тинглашлари керак, аникроғи 2 – 3 ўқувчи овоз чиқариб ўқиши керак. Шундан кейин ўқитувчи ўқувчилардан ким шеър ўқиганлигини сўрайди.

## гапларни фарқлаш бўйича олиб бориладиган иш мазмуни ва тартиби.

Эшитишда нуқсони бўлган болалар мактабида гап ёрдамида эшитув идрокини ривожлантириш умумтаълим дарсларида, якка тартибдаги ва умумий машғулотлар, дарсдан ташқари ўтказиладиган тадбирларда амалаг оширилади.

Гап учун материал танлаш программа мазмунига муайян машғулот темаси ва мақсадига боғлиқ.

Янги сўз ва ибораларни аста – секин киритиш керак. Бунда албатта Е, П. Кузьмичеванинг кар болалар ўқийдиган мактаб учун ишлаб чиққан 3 этапдан фойдалиниш керак, лекин эшитишда нуқсони бўлган болалар билан ишлаганда бу этапларга кам вақт сарфлаш керак.

1 – этап: 1 – синфда 1 – чоракда ўтилади.

2 – этап: 1 – синфнинг 2 – ярим йиллигида ўтилади.

3 – этап: 2 – синфнинг 1 – ярмида ўтилади.

**1 – ЭТАПДА .** Болаларга шундай нутқ материали тавсия этиладики, бунда албатта бу материал товуш образи болаларга албатта таниш бўлиши керак. Бу материални дарсда болалар бир неча марта товуш кучайтиргич аппарати ёрдамида идрок этишган. Муайян нутқ материали дастлаб эшитув – кўрув орқали, кейин эса эшитиб, ёддан айтишга ўтилади. Масалан, бугун об – ҳаво қанақа? Кўчада ёмғир ёғмоқда.

**2 – ЭТАПДА.** Аста – секин таниш нутқ материалига товуш образи нотаниш бўлган материал қўшилади. Бу этапда нутқ материалини идрок этиш ёзма усулда олиб борилади. Масалан: Совуқ куз келди, гапини ўқувчига нотаниш бўлган ёмғирли сўзи билан алмаштириш мумкин, яъни ёмғирли куз келди.

**3 – ЭТАПДА.** Шундай нутқ материали тавсия этиладики, бунда бу материалнинг товуш образи боаларни нотанишдир. Бу этпада материал бир йўла оғзаки идрок этишга ўтилади. 3 – этап келгуси ўқув йилларида етакчи ҳисобланади, яъни 2-5 синфларда якка тартибдаги машғулотларда ўтилади.

Якка машғулотларида эшитув идрокини ривожлантириш бўйича олиб бориладиган машқлар мазмунига қуйидаги материаллар киритилган:

1. Турли хил доим ишлатиладиган саволлар; Неча ёшга чиқдингн? Қайси шаҳарда яшайсан? ва б.
2. Машғулот ўтказиш тадбирларига боғлиқ бўлган иборалар: Мисол ёз, шеър ўқиб бер.
3. Қуйидаги гапларни фарқлаш: Қиз мисол ишламоқда. Материал ўзлаштирилиб бўлиши билан уни мураккаблаштириш керак. Топшириқларни фарқлаш ва бажариш ўқитувчи билан суҳбат ўтказиш.

Якка машғулотларда эшитув идрокини ривожлантириш бўйича олиб бориладиган машқларни турли кундалик ишлатиладиган савол – жавоб, илтимослар ўқув ишларини ташкил этиш билан боғлиқ бўлган топшириқлардан бошлаш керак. Кундалик ишлатиладиган саволлардан йил фаслига оид, об – ҳавога оид, ҳафта, ой, санага оид саволлар берилади.

Кейничалик таржимаи ҳолга боғлиқ саволлар: Исминг нима? Неча ёшга чиқдинг? Қаерда яшайсан? Оилангда неча киши? Онангни исми нима? кабилар берилади. Ўқув машғулотларини ташкил этиш билан боғлиқ бўлган ибораларни ёд-

дан фарқлаш, шунингдек бир неча сўзлардан таркиб топган ибораларни фарқлашда қуйидаги иш туридан фойдаланиш мумкин.

## 1. КАРТОЧКАЛАР БИЛАН ИШЛАШ

Ўқувчи олдида топшириқлар ёзилган карточкалар бор (машқни ёз, машқни қайта кўчир, машқни кўчириб ол ). Ўқвчи топшириқни ёддан идрок этади, керакли карточкани топиб, топшириқни бажаради ва бажарганлиги ҳақида ҳисобот беради: “ Мен машқни ёздим ”.

## 2. РАСМЛАР БИЛАН ИШЛАШ

Ўқитувчи расмларни олдига ёйиб қўяди. Бу расмларда фаолият тасвири туширилган: боқяпти, боқиб бўлди, боқмоқда. Ўқитувчи микрафонга ( экранли ) гап ўқиб беради. Қиз товуқларни боқмоқда. Қиз товуқларни боқиб бўлди. Ўқувчи микрафонда эшитган гапни идрок этиб, керакли расмни топади, бу гапни такрорлайди.

## 3. КОНСТРУКТИВ РАСМ БИЛАН ЁКИ МАКЕТ БИЛАН ИШЛАШ

Ўқитувчи кўмакчиларидан иборат сўз бирикмаларини ифодаланган топшириқларни фарқлашни топширади. Бунда кўмакчмлар турли отдан иборат бўлган.

Ўқувчи топшириқлрани бажаради: Буюмлар ифодаланган расмларни топади ва конструктив расмга ёпиштириб қўяди. Топшириқни бажарганлиги ҳақида ҳисобот беради. Шунга ўхшаш иш макет билан ҳам бажарилади, фақат расмлар ўйинчоқлар билан алмаштирилади. Масалан: Диванни девор ёнига суриб қўй. Расмни диван устига осиб қўй. Столни хона бурчагига қўй. Креслони диван ёнига қўй. Стулларни стол ёнига қўй.

## 4. ТОПШИРИҚЛАРНИ БАЖАРИШ

Ўқитувчи топшириқ беради: Стол атрофида айлан, стол олдига тур, стол тагидан қаламни ол.

Программанинг энг муҳим бўлими – суҳбат ўтказишни билишдир. Дастлаб суҳбат ўтказишда ўқитувчи фаол қатнашади, кейинчалик секин – аста фаоллик ўқувчиларга ўтади. Суҳбат учун нутқни ривожлантириш дарси материаллардан фойдаланиш мумкин.

Суҳбат ўтказишда қуйидаги иш турлари бажарилади:

1. Ўйинлар ( масалан, “ Магазинлар ” мавзусидаги ўйин 2 – синфнинг 2- ярим йиллигида ). Ўқитувчи: магазин – магазин ўйнаймиз. Мен сотувчи бўламан, сен ҳаридор бўласан. Гаплашганда сен қуйидаги сўзларни айтишингн керак. Бизники сизники, меники, мен, сиз.

Ўқитувчи ўқувчи олдига юқорида айтилган сўзлар ёзилган карточкаларни тахтачага қўяди. “ Мактаб кутубхонасида ” , “ Ётоқхонада ” каби мавзулар ўрганилганда бажарилади. Агарда ўқувчи суҳбат давомида қийналса, ўқитувчи саволлар турли вариантларда ёзилган тахтачани тавсия этади. Суҳбат ўтказиш давомида қуйидаги мавзуларда ўйин ўтказиш мумкин: “ Врач ҳузурида ”, “ китоб магазинида ”, “дарсда ”.

2. Суҳбат давомида наиойиш. “ Мактаб кутубхонасида ”, “ Ётоқхонада ” каби мавзулар ўрганилганда бажарилади ( 3- синфнинг 2- ярим йиллиги ).

3. Расмлар, расмлар сериясидан фойдаланилган суҳбат. Расм ёки расмлар серияси

«Дарё узра баҳор”, “ Кузда дала, ўрмонда кечадиган ўзгаришлар”.

4.Экскурсиядан сўнг, дам олиш куни, каникул, кинофильм кўриб бўлгандан сўнг ўтказиладиган суҳбат.

Темаси қуйидагича бўлиши мумкин.

“ Мактабда бола меҳнати”, “ Каникуллар ҳақида”, “ Кўрилган фильм ҳақида”.

## ПРОГРАММАНИНГ ЯНА БИР МУҲИМ БЎЛИМИ ГАПЛАРНИ ФАРҚЛАШ.

Гапларни бир – биридан фарқлаш қийин бўлиши мумкин, чунки гаплар мазмун жиҳатдан бир-бирига боғлиқ бўлмаслиги мумкин.

## МАШҚ УСЛУБЛАРИ.

### 1.ГАП СХЕМАСИНИ ҚОҒОЗ ЁКИ МАГНИТ ТАСМАЛАРИДАН ТУЗИШ.

Ўқитувчи экран орқасда гапни ўқийди, ўқувчи эса қоғоз ёки магнит тасмасидан шу гап схемасини тузади.

Масалан: 1-синфнинг 2-ярим йилликда қуйидаги гап олинади. Ўқитувчи доска тепасига расм осиб қўяди:

### ЎҚУВЧИ ТАСМАЛАРДАН СХЕМА ТУЗАДИ:

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| ўқитувчи | доска | тепасига | расм | илди |

Болаларда эшитиш қобилияти жуда пасайган бўлиб, гапларни оғзаки идрок этиш қийинлашади. Ана шунинг учун машқнинг бу тури 1 – 2 – синфлар учун жуда қийин.

### 2. РАСМЛАР ТАНЛАШ

(1- синфнинг 1- ярим йиллиги ) ҳар бир гап учун расм танланади.

Ўқитувчи экран орқасида гапни ўқийди, ўқувчи гапга мос расмни излаб топади ва гапни такрорлайди.

### 3. ГАПНИ РАСМ БЎЙИЧА ВА РАСМСИЗ ТЎЛДАРИШ ( 5 – синф)

Ўқитувчи экран ортидан гапни бир қисмини ўқийди, ўқувчи уни давом эттиради, албатта расмга суянган ҳолда. Гапни расмсиз ҳам тўлдариш мумкин. Ўқитувчи экран ортидан гапни катта қисмини ўқийди, ўқувчига фақат 1- 2 сўз билан у ўқиган гапни тугатиш қолади.

### 4. БИР – БИРИГА ЎХШАШ КЕРАКЛИ ГАП ЁЗИЛГАН ТАХТА-ЧАЛАР ТАНЛАШ

Масалан: Қиз столча чизмоқда. Қиз фонар чизмоқда. Гаплар тахтачага илгаритдан ёзилган бўлади. Ўқитувчи уни экран олдидан ўқийди. Ўқувчига берилган тахтачалар ичидан кераклигини олади ва гапни такрорлайди.

Машқнинг усули 3 – 4 – синф ўқувчилари билан ишлаганда ўтказилади.

### 5. ЎЙИНЛАР

Гапларни фарқлашга бағишланган машқларда Е. П. Кузьмичева кар болалар билан ишлаш учун тавсия этилган “ ишонаман, ишонмайман ” ўйинидан фойдаланиш мумкин. Масалан: 1 – синфда, расмда уй чизаётган бола тасвирланган. Ўқитувчи олдидан нотўғри савол беради. “ Қизча уй чизаяптими? ”, ўқувчи “ йўқ ” деб жавоб беради.

6. ШАКЛИ БУЗИЛГАН ( текст) гап билан машқ қилиш.

Бу машқ усули сўз бирикмалари ва мураккаб гаплар тузишни ўрганилганда ишлатилади. Масалан: Қиз янги кўк рангли ипак кўйлак кийди. Бу гап ёзилган тахтачалар олдиндан бўлакларга қайчи билан бўлинади. Ўқитувчи экран ортидан текстни ўқийди, ўқувчи эса қайчи билан қирқилган сўз бўлакларни гап тузади.

Программанинг яна бир муҳим бўлимларидан бири математик материални фарқлашдир. Математик материални фарқлашда болаларни математик термин ва ифодаларни ётдан идрок этишга ўргатишдир. Математик терминларни идрок этишда машқнинг қуйидаги усуллари қўлланилади, масалан: рақамлар билан ёзилган расмлардан фойдаланиб ( 5та савзи ) мисол тузиш. Масала шартини ўқитувчи айтиб туради, масалани ёзма ёки оғзаки ечиш мумкин. Ўқитувчи мисол ёки масалани такрорлайди. Ўқувчи ўқитувчи афтган мисол ва масаласини ечимини айтади.

Масалан: 2 ва 5 рақамларини ол, яна -, + белгиларини ол, мисол туз ва еч, жавоб ини айт. 2+5=7

Математик материалларини фарқлашда қуйидаги иш усулларини бажариш керак: Намойиш, топшириқларни бажариш, расмлар ёрдамида масала тузиш.

## МАТНЛАРНИ ЁДДАН ФАРҚЛАШ ИШ МЕТОДИКАСИ

Матнларни эшитиб идрок этиш ишлари ( машқлар) 1- синфнинг 2- ярим йиллигида бошланади. Дастлаб матнлар оҳанги таниш сўзлардан тузилади. Секин – аста матнга оҳанги нотаниш сўзлар киритилади. Ўқувчилар матнни эшитиб идрок этганларида, матннинг асосий мазмунини тушиниб олади. Бунда матнда ташкил этган сўзларни аниқ идрок этиш шарт эмас.

Ўқувчига ҳар бир янги матн ёддан идрок этишга тавсия этилади. Матндаги икки гапни эшитиб бўлгандан кейин, матнда нима ҳақида гап кетаётганлигини ҳикоя қилиб бериши керак ёки схематик тарзда чизиб бериши керак. Агарда ўқувчи бу вазифани бажара олмаса, унда эшитув-кўрув идроки билан ўрганилади ва ўкувчи томонидан бир марта ўқилади. Матн билан танишиб бўлгандан кейин, гап ва сўзлар ёддан эслашга тавсия этилади. Ёддан эслашда матнни бошидан охитигача идрок этиш мумкин ёки бўлиб-бўлиб.Ўқувчи матнни ёддан эслай олгандан кейин, унга матн бўйича бир қатор топшириқлар берилади, Масалан: саволга жавоб бериш, топшириқларни бажариш. Матн бўйича вазифа бажарилаётганда ўқувчига ёрдам беришлари учун расм ёки тахтачага ёзилган матн берилади.Агарда 2 марта такрорланганда ҳам ўқувчи вазифани тушунмаса унда матн эшитув - кўрув орқали идрок этилади, кейинчалик бир қатор савол берилади. Матнни ёддан айтиб бериш мумкин. Ўқувчи матндаги барча сўз ва ибораларни ёддан идрок этгандагина матнни тўлиқ ўзлаштирган ҳисобланади.

## 1- СИНФДА МАТН УСТИДА ИШЛАШ.

**1-ДАРС**. Ўқувчи “менинг оилам” мавзуси бўйича ибора ва сўзларни ёддан идрок этади, бу ибора ва сўзлар оҳанги (бовуш образи) унга таниш. Сўнгра ўқитувчи

унга шундай дейди: Ҳикояни эшит. Ҳикояни ўқий бошлайди.”Оила” Ўқувчи матнни бир йўла ёддан идрок этади.

Ўқитувчи савол беради: “ Нимани эшитдинг? ” ва ҳикоя мазмуни расмларда тасвирлаб бериши ёки қиқилган шакллардан расм тузиш лозим, текстни 2 – маротаба ёддан такрорлагандан сўнг, ўқувчи уни идрок этмайди.

Матн қайта ўқилади ва ўқувчи эшитганини ҳикоя қилиб беради, ўзидаги расмлардан фойдаланади. Сўнг матн гапларга бўлиниб ўқилади. Ўқувчи матнни, гапларни ёддан идрок этади: уларни такрорлайди ва эшитган матни бўйича гап тузади (расмлар танлайди, шакллар қирқади).

**2 – ДАРС**. “ Оила ” ҳикояси ўқувчига бир йўла ёддан идрок этишга тавсия этилади. Ўқувчининг имконига қараб матн бутун ёки гапларга бўлиниб ўқилади.

Сўнгра ўқувчига тахтачага ёзилган гаплардан тузилган матн ўқилади. Ўқиш жараёнида ўқиш техникаси ўрганилади. Матн ўқиб бўлгандан сўнг матн ўқувчи олдидан олинади ва унга ёддан айрим сўзлар ва сўз бирикмаларини айтиш тавсия этилади.

**3 – ДАРС**. Ўқувчига “Оила” ҳикояси ёддан идрок этишга тавсия этилади. Ўқувчи матнни эслагандан кейин унга матн бўйича вазифа тавсия этилади. Вазифани ўқувчи бажарётганда қийналмаслиги учун ҳикоя матнни ёзилган тахтачалар ёки темага мос келадиган расмлар бериш мумкин.

Эшитув идрокини ривожлантириш бўйича машқлар принципи 2-3- синфлар учун 1- синфда қандай бўлса, шундай. Бу синфларда нутқ материали мураккаблашади, унинг хажми ошади, айниқса оҳанги нотаниш сўз ва ибораларни ёддан идрок этиш ўқитилиши муҳим аҳамиятга эга. 3- синфда ўқувчи ўзининг синфдоши айтган нутқ материалини такрорлашга ( тушунишга ) ўргана бошлайди. Бу нутқ материали ўқувчи томонидан экран ортидан айтилади. Ўқувчининг бундай ёддан идрок этиши маълум вазиятда ишлатилади.

# Эшитув идрокини ривожлантириш ишининг системаси.

Оғзаки нутқни шакллантириш шартларидан бири карларнинг нутқини эшитиб идрок қилиш қобилиятини ҳамда нутқий эшитувни ривожлантириш бўлиб ҳисобланади. Бу қобилият таълим – тарбия жараёнида марказий нерв системасининг юқори эшитувчанлиги, қабул қилувчанлигидан ривожланади. Кўпгина кар болаларда эшитув идроки сақланган бўлиб, бу овоз кучайтирувчи аппаратлар ёрдамида махсус машғулотларда янада шакллантирилади.

Нутқий эшитувни шакллантириш ишининг вазифаси карларда эшитув қолдиини интенсив ривожлинтиришдир, бунинг замирида эшитув – кўрув ёки оғзаки нутқий идрок қилиш асоси вужудга келади, нутқий мулоқот малакаси шаклланади. Шу билан бирга кар болаларга атроф муҳитда орентир олишга ўргатиш учун нутқий бўлмаган товушлар ҳақида ҳам маълумотлар бериш лозим.

Нутқий эшитувни ривожлантиришнинг асосий шартларидан бири нутқий эшитув муҳитини ҳосил қилиш бўлиб, бу овоз кучайтирувчи аппарат ёрдамида карлар томонидан турли типдаги нутқларни доимий идрок қилиб боришни таъминлайди (стационар овоз кучайтирувчи аппаратлар, индивидуал эшитув аппаратлари ).

Карларда нутқий эшитувни шакллантириш узоқ давом этувчи эшитув машқлари жараёнида ривожланиб боради. У икки босқичга бўлинади.

**1 – босқичда** карлар педагог ёрдамида турли ҳил фразаларни, сўзларни, солиштиришлари учун овоз кучатириш аппарати билан нутқий сигнални ажратиб қабул қилишга ўрганадилар, махсус машқлар ўтилади.

Ўқувчиларда эшитув қолдиқлари қанчалик яхши сақланиб қолган бўлса, ўзлашриб олиш натижалари шунча юқори бўлади ( айниқса 250Гц – 500Гц ).

**2 – босқичда** карлар овоз кучайтирувчи аппарат ёрдамида нутқнинг фонетик тузилишини эшитиб ажратиб қабул қилишга ўрганадилар. Бу босқичда сўзларни эшитиб қабул қилиш таълими таъсирида эшитув ва кўрув орасидаги ўзига хос боғланишлар ўсади.

Карларда нутқий эшитувни ривожлантириш иши жараёнини методлари ва таркибига кўра уч даврга: бошланғич давр ( тайёрлов- 1- синф ); асосий давр ( 2-5-синфлар) ва индивидуал аппаратлардан актив фойдаланиш даври (6-7- синфлар) бўлинади.

Бошланғич даврда карлар нутқий эшитувни ривожлантириш учун шароит яратилади, эшитув захираси аниқланади.

Асосий давр эшитувни интенсив ривожлантириш билан характерланиб карлар томонидан нутқни қабул қилиш оғзаки нутқнинг шаклланишида ривожланаётган эшитув идрокидан актив фойдаланишида малакалари тараққий этади. Бу даврда эшитув идрокини узоқ машқ қилдириш, овоз кучайтириш аппаратларидан фойдаланиш маълум миқдорда эшитиш идрокини компенсация қилишга катта ижобий ёрдам беради.

Бу даврда карларда нутқий эшитувни ривожлантиршнинг мувоффақияти оғзаки нутқни шакллантириш, болаларнинг ақлий ва нутқий ривожланганлиги даражаси, сўзларни ўзлаштириш ва талаффуз малакаси, тилнинг грамматик тизими, карларнинг билиш фаолияти ривожланиши мактабдаги барча ишларнинг қандай ташкил этилганлигига боғлиқ бўлади.

Карларнинг эшитув идроки асосий мустақил инициатив бўлиб қолиши учун у ҳам суҳбатининг унга қаратилган нутқини тушунибгина қолмай, ўртача равонликда гапира олиши, урғуларни ажратиш, сўзни товуш бирикмаларини иложи борича аниқ ёки аниқроқ шакллантриш керак.

Мактабда нутқий эшитув режимини ташкил қилиш ўқитувчининг ўқувчи нутқини дактил формасидан тўғри фойдаланиши муҳим аҳамиятга эга.

1- синф ўқувчилари 1- ярим йиллик давомида дактилда гапириш техникасини, қўллар ҳаракатини, ҳарф таркибини аниқ кўрсатиши, тезлик, оғзаки ва дактил гапириш тузилиши ва хусусиятларини ўзлаштирадилар.

Мусиқа ритмик машғулотларида, индивидуал машғулотлар, эшитувни ривожлантириш хоналаридаги дарсларда материал асосан оғзаки – дактилда гапиришади.

2- синфдан 12- синфгача ўқувчилар катталари билан фақат оғзаки гаплашадилар, айрим сўзларни гапиришда қийналсаларгина нутқни оғзаки дактил формасидан фойдаланадилар.

Нутқнинг оғзаки дактил формаси ўқувчилар ўқитувчини берган саволлларига жавоб беришда ишлатилади. Мусиқий – ритмика машғулотларида нутқнинг дактил формасидан фақатгина сўзнинг ҳарф товуш талаффузида қийналишганда фойдаланишади. Сўз ҳам оғзаки, ҳам дактилда гапирилиб кейин албатта дактилсиз гапиришада. Нутқий товушни ривожлантиришда тўғри ташкил этилган нутқни эшитиб идрок қилиш машқлари асосий ўринни эгаллайди. Бу машқлар таълимнинг барча йилларида умумтаълим дарсларида, мусиқий – ритмика дарсларида, асосий синфдан ташқари машғулотлар ўтилади.

## Фронтал машғулотлар

Фронтал машғулотлар (дарслар, синфдан ташқари ишлар). Эшитув, кўрув ўқувчилар томонидан қабул қилишнинг асосий усули бўлиб ҳисобланади. Нутқий материални эшитувни қабул қилиш бўйича машқлар 1 – синфдан бошланади, бунда сўзлар экран орқасидан икки мартадан кўп қайтарилмайди. Агар материални эшитиб идрок қила олмасалар, унда кўрув, эшитув орқали қабул қилинади, ўқитувчи томонидан доскага ёзилади ( ёки табличка орқали кўрсатилади ), ўқувчилар уни ўқишади ва яна фақат эшитув орқали идрок қилдирилади. 3 – синфдан бошлаб ўқувчилар фақатгина ўқувчи нутқини идрок қилибгина қолмай, бир – бирларини нутқини ҳам эшитиб идрок қиладилар.

Дарснинг боришида ўқувчиларни эшитганда янги ва нотаниш бўдган товушли материални идрок қили олиш таълими бўйича доимий иш олиб борилади. Бу дарс мавзусини эълон қилиш, алоҳида сўзларни, сўз бирикмаларининг ва фразаларни айтишдир.

Идрок қилишга ёрдам беришда турли хил дидактик қўлланмалар (суратлар, табличкалар, кесма матнлар) дан доскага ёзишдан фойдаланилади, бу материални эшитиб идрок қилишга ва фарқлашга дарснинг асосий таркибини ўзлаштириб олишга ёрдам беради.

Ўқувчиларни эшитув идрокини ривожланиш даражасига қараб ўқитувчи уларни сўз ва сўз бирикмалари фразаларни эшитиб идрок қилиш таълимига ўргатибгина қолмай бўғинлар ва алоҳида товушларни ўргатишга ҳам алоҳида диққат қаратади. Бу иш талаффуз малакаларини коррекция ва автоматизация қилишда вазифани эшитиб идрок қилаётганда хатоларни тўғирлашда олиб борилади.

Шундай йўл билан кар ўқувчиларни эшитув идрокини актив машқ қилишга шароит яратиб юеради, фронтал машғулотларда таълим самарадорлигини бутунлай ошириш мумкин.

**Индивидуал мағулотлар.**

Индивидуал машғулотлар ( тайёрлов 5 – синфлар ). Нутқий материални идрок қилишнинг асосий усули эшитув орқалидир. Дарс давомида нутқий материални 5 марта такрорлаганда ҳам эшитиб идрок қила олмасалар унда ўқувчиларга эшитув, кўрув таклиф қилинади, кейин эса фақат эшитиб идрок қилишга берилади, шунинг учун эшитув, кўрув идрок ёрдамчи қўлланма сифатида фойдаланилади. Индивидуал машғулотларда нутқнинг дактил формаси фақатгина ўқувчи сўз таркибини айта олмай қолгандагина ишлатилади.

6 – синфдан бошлаб оғзаки нутқнинг эшитув, кўрув идрокини машқ қилдириб борилади. Бу кейинчалик нутқий материални эшитув идрокига ўргатади. Машғулот давомида ўқувчилар ўтган йиллирдагидек нутқий материални эшитиб тушинишга, фарқлашга, таққослашга ўрганадилар.

6-12 – синфларда асосий нутқий эшитувни ривожлантирувчи ишни матнлар ташкил этади. Ўқувчилар томонидан эшитув, кўрув орқали идрок қилинади, кейинчалик эса нутқий материалларни фақатгина эшитиб идрок қилишга ўрганадилар. Индивидуал машғулотларда бу синфларда нутқнинг дактил формасидан умуман фойдаланилмайди. Нутқий материални идрок қилишга қийналганларида ёзма нутқдан фойдаланилади. Тайёрлов синфларда биринчи чоракда барча индивидуал машғулотлар болаларда талаффуз малакасини шакллантиришга қаратилади. Таълимнинг бу даврида улар овоз кучайтириш аппаратидан фойдаланишни ўрганадилар.

РСВ бўйич ишлар иккинчи чоракдан бошланади. ҳар бир индивидуал машғулот вақти барча синфларда бўлиниб чиқилади: дарснинг бир қисми РСВ учун, иккинчиси талаффуз таълимига ўргатишга ажратилади. Талаффузга ўргатиш таълим жараёнида нутқий материални фақатгина эшитиб идрок қилишга ўргатиш машқлари ҳам ўтказилади: ўқувчилар эшитганларини тўғри ва нотўғрилигини фарқлашга, товушларни сўзларда ва бўғинларда ажритишга, эшитувга таяниб намунани тўғри тасвирлашга ўрганадилар.

3 – синфдан бошлаб индивидуал машғулотлар бир гуруҳ ( 2-3 та) ўқувчилар билан бир вақтнинг ўзида олиб борилади. Дарснинг бориши давомида ўқувчилар фақат эшитув ёки эшитув, кўрув орқали идрок қилинган топшириқларни бажарадилар, саволларга жавоб берадилар, матнларни эшитув, кўрув ёки эшитув идрокига ўрганадилар, эшитиб диктант ёзишга ўрганадилар.

Ўқувчиларнинг мактаб таълимининг бошидан охиригача (1-12 – синфлар) доимо талаффуз томонидан янги ва нотаниш бўлган нутқий материални эшитиб идрок қилишга ўргатиб борилади.

Кар болалар билан олиб бориладиган РСВ бшйича ишлар турил овоз кучайтириш апппаратлари ёрдамида нутқни кучайтирувчи тўғри танланган шароитда ташкил қилинади. Таълимнинг барча йиллари давомида синфларда гуруҳли фойдаланиш учун стационар аппаратлар ишлатилади. 1-3 – синфлардаги индивидуал машғулотларда стационар овоз кучайтириш аппаратларидан фойдаланилади. 3 – синфнинг 2 – ярим йиллигидан бошлаб стационар овоз кучайтириш аппаратлари билан бирга индивидуал эшитув аппаратлари ҳам берилади. 5 – синфдан бошлаб ўқувчилар фақат индивидуал эшитув аппаратидан фойдаланишади.

1 – 3 – синфларда ўқитувчининг столида қулоқликлар бўлиши шарт, чунки ўқувчи стол ёнида жавоб бераётганда ўзининг нутқини эшитиши керак. 4 – синфдан бошлаб ўқувчи доска ёнида жавоб бераётганда индивидуал эшитув аппаратидан фойдаланилади. Ўқувчи жавоб бераётганда бутун синф эшитиши учун ўқувчининг микрафонига гапириши керак бўлади.

Стационар аппаратда нутқни кучайтириб бериш режим ҳар бир ўқувчининг эшитиш даражасига ва индивидуал шахсий хусусиятларига қараб белгиланади. Биринчи ишда режим оғир эшитадиган қулоққа қўйилади, кейин иккала қулоққа бараварига созланади. Агар аппарат фақат битта қулоққа қўйиладиган бўлса, унда нутқни кучайтириб бериш режим енгил эшитадиган қулоққа қўйилади.

Аввалига сўзлар фразаларда берилади. Бунда янги сўзнинг товуш томони ўқувчиларга таниш бўлади. Масалан, ўқувчига “уй расмини чиз ” фразаси таниш (эшитув машқларида берилган ) ҳамда “бола” сўзи ҳам таниш эшитувга “бола расм чизди” фразаси берилади. “Чмзди” сўзини талаффуз томони ўқувчига нотаниш бўлиб маълум контектда қабул қилади, бу идрок қилишни маълум миқдорда ўстиради. Агарбу фраза 5 марта такрорланганда ҳам эшитиб идрок қила олмасалар эшитув, кўрув орқали такрорланади, кейин яна фақат эшитиб қабул қилишга берилади.

# Талаффузга ўргатиш даврлари.

Талаффузга ўргатиш иккита даврни ажратиб кўрсатиш мумкин:

А) дастлабки

Б) талаффуз малакаларини такомиллаштириш ва автоматизациялаш.

Дастлабки давр мактаб таълимининг 2 – ярим йиллигининг ўз ичига олади (тайёрлов ва 1-2- синфлар), агар болалар мактабга мактабгача тайёргарликсиз келишса (1 ва 2 – синф), агар болалар бирданига 1 – синфга келишса, бу давр мобайнида ўқувчилар исталган товуш таркибига эга бўлган сўзни урғу ва орфоэпик қоидаларга риоя қилган ҳолда тўғри талаффуз қилиш малакасига эга бўладилар. Бугунги кунда карлар мактабида талаффузни шакллантиришнинг иккита усулидан фойдаланилмоқда.

1. Сўзли нутқни ривожлантириш ва таълим жараёнида эшитишдан кенг фойдаланиш, ўқитувчи ўқувчиларга сўзни дактиллайди, бир пайтнинг ўзида талаффз қилади. Бунда ўқувчилар сўзларни нафақат дактил кўринишда, имкониятга қараб оғзаки нутқига киритилади ва талабларга мувофиқ талаффуз қилинади.

**Аналитико –синтетик –** бу яъни сўз ёки жумла устида иш олиб борилаётган пайт-нинг ўзида, эшитув-кўрув орқали пайтда эшитув- кўрув орқали қабул қилиш ва улар-нинг маъносини айтишдир. Бола керакла бўлган тушунчаларни билиб олганларидан кейин улар тақлид орқали номлашлари керак бўлади.

Тўғри талаффузга ўргатиш учун ўқитувчи зарурият туғилганида, сўзларни қисм-ларга ( бўғин, товуш ) бўлади, уларни бир пайтнинг ўзида қайта ишлайди, кейин эса сўзни яна таҳлил ( синтез ) қилади.

Мазмун – сўз, жумла – бўғин, товуш ( анализ )

Товуш – бўғин, сўз, жумла ( синтез )

Бу бутун билан қисм, анализ билан синтезнинг ўзаро муносабатини диалетик ту-шуниш ( тафаккур, жамоа ва табиат ривожланишининг умумий қонунларни ҳақида илм ).

Бутун ҳаракат ва унинг жараёнларини қайта ишлашни олдиндан билувчи аналити-ко – синтетик метод, турли хил нутқий ҳаракат кўникмаларини шакллантириш учун психологик жиҳатдан шакллантирилгандир.

Демак, аналитико- синетик методи талабларига мувофиқ, сўз қисмлари устидаги (бўғин, товуш) иш, мазмунли товушлар комплекси ( сўз, ибора ва жумлалар ) устидаги ишга хизмат қилади.

Сўзларни қайта ишлишда машғулотлар, сўзларни ритмик ва равон талаффуз қи-лиш кўникмаларини ҳосил қилишга қаратилган бўлиши керак. Товушлар талаффузи ишлаб чиқилиш билан болалар билан биринчи бор учрашсалар, сўзлар анализ қилина-ди. Анализ айрим ҳолларда товушгача, бошқа ҳолларда эса фақат бўғингача ўтказила-ди. Ўқитишнинг анализнинг биринчи босқичларида, болалар учун талаффуз қилиш-нинг айрим қийинчиликларини туғдирадиган сўзлар бўғинларга (товушларга) бўлина-ди. Шунга мувофиқ, оғзаки нутқ кўникмаларини ўзлаштириш йўлида ҳар бир ўқувчи-нинг индивидуал хусусиятларининг ҳисоботи тўла таъминланади.

Сўзларни ишлаб чиқиш билан боғлиқ бўлган машғулотларни қайта ишлашда, ўқувчиларга сўзларни ўқиш ва бошқа бир вазиятларда мустақил, яъни ҳеч қандай гра-фиксиз сўзни ҳосил қилиш орқали расмни номлаш ва саволларга жавоб бериш таклиф этилади. Буларнинг барчаси нутқий материалларни мустақил ҳолда чиқишга осонлаш-



тирилади.

Кар болаларни ўқитиш ва қайта ишлаб чиқиш жараёни, кар болалани яхши эшита-диган одамлар жамоасида ижтимойи адаптациясига эришилишига йўналтирилган. Оғ-заки ( сўзлашув ) нутқ тарбиясига, асосий ўринни эгаллаган бутун комплекси масала-ларини ечиш орқали эришиш мумкин.

Кар болаларни талаффузга ўқитишда, яхи эшитадиганларга табиий йўл билан яқинлаштириш мақсадида концентрик метод қўлланилади. Концентрик метод моҳия-тинибиз юқорида кўрсатиб ўтдик.

Шундай қилиб, болалар асосий товушлар иштирок этган сўзларни талаффуз қили-ши керак: стол, лампа, нон, эшик, фаввора ва хокозо. Лекин асосий бўлмаган товуш-ларни ўз ичига олган, яъни дафтар, китоб, мактаб, дарахт ва хокозо сўзларни

болалар вақтинчалик  товушларини ўхшатиш мумкин: тафтар, китоп, мактап, тарахт.

Болалар томонидан товушларни ўзлаштиришнинг концентрик методи, қўпол арти-куляцион дефференциялардан аста-секин ўта нозикка ўтишни, яъни асосий дидактик қонунга кўра, ўқитишда ўта соддадан, ўта мураккабга қараб боришни таъминлайди.

Сизлар биласизки, И.П. Павлов одам нерв системасининг катта компенсатор имко-ниятларини кўрсатган. Одамнинг бирон- бир анализаторлар фаолиятлари унинг ўрни-ни эгаллайдилар. Шунинг учун берилган ўқитиш методи фақатгина аналитико-синте-тик ва коцентрикка эмас, балки полесенсорга ҳам ажратилган. Демак, карларни талаф-фузга ўқитиш жараёнида кўриш, тактил ва ҳаракатлантирувчи анализаторларига ёнда-шиш керак. Чунки, улар ўзининг мазмунда карлар учун талаффузни ўзлаштиришда жуда яхши шароитни яратадилар. Қолдиқ функциясини ишлатиш, моҳиятининг асоси-ни ташкил этади.

Тайёрлов синфининг 3 чорак охирларида болалар асосий товушларни ўзлаштириб оладилар ва шу билан товушлар тузилишидан қатъий назар, фонемалар системаси қисқартирилган сўзларни талаффуз қилиш имконига эга бўладилар.

1-2 – синфларда сўзларнинг талаффузини аниқлаш бўйича тизимли иш олиб бори-лади. Нутқда аста-секин жарангли ундошлар (б,д,г) ва аффрикат (г) пайдо бўлади.

Мактабгача ёшдаги карларни оғзаки нутқини ўқитишда концентрик методнинг қўллвшнинг биринчи босқичида талаффуз қилишни янада енгиллаштириш, яъни “ И” ва “Э” товушларни, “Ш” товуши ўрнига айлана шаклдаги лабда талаффуз қилинади-ган “С” товушини, шунингдек “Р” ўрнига”Л”, “Х” ўрнига “К” товушини қўллаш ха-рактерланади. Бундан ташқари кар болалар боғчаларини бошланғич даврларида тез-тез қайтариш йўли орқали структра жиҳатдан учун ва мураккаб бўлган сўзлар талаф-фузнинг енгиллаштиришга йўл қўйилади.

Ўқитишнинг биринчи йили оҳирида, мактабгача ёшдаги йил оҳирларида мактабга-ча ёшдаги кар болалар нутқида бир қатор сўзларнинг товуш таркибини ридуцив иш-лаб чиқилишига йўл қўйилади. Масалан, “сут” ўрнига “ут”, “ бер” ўрнига “бе”, “шкаф” ўрнига “аф”.

Карларни талаффузга ўқитиш масалаларини аниқлашда, оғзаки нутқининг 1 та функцияси ҳақида айтиб ўтиш керак. Биринчи, эшитаётган одамга қаратилган бўлса, иккинчиси гапираётган одамга қаратилган.

Атрофдагилар билан мулоқот қилганда, карларни нутқи фонетик томондан тушу-нарли бўлиши, оғзаки нутқи, тафаккур қуроли ролини ишончли бажарилиши, талаф-фузи максимал даражада аниқ ва тилнинг фонетик изими акс этиши керак бўлади.



Тушунарли ва аниқ талаффуз қилиш – бу икки тушунча бир- бирини қопламайди. Оғзаки нутқ етарли даражада тушунарли бўлиши мумкин, лекин аниқ бўлиши мум – кин эмас. Ёки аксинча тилнинг фонетик системасининг ҳамма элементлари бир-бири-га аниқ қарама – қарши қўйилган ва талаффузда шуни акс этган бўлса ҳам, нутқнинг чиқиш жуда ҳам тушунарсиз бўлиши мумкин.

Аниқ нутқни тўла эгаллаган баъзи карлар талаффузини текширишда, уларнинг нутқида интонация, урғулар ва фонемалар ситемаси бузилгани кузатилади. Шу

билан  бирга айрим эшитадиганлар орасида ҳам тушуниши қийин бўлган нутқлар ҳам учраб туради.

Оғзаки нутқ карларга атрофдагилар билан мулоқот қилиши учун асосий ролни эгаллайди. Шунинг учун карларни талаффузга ўқитишнинг асосий ва бошланғич маса-ласи, уларни етарли даражада анқ қилиб гапиришга ўргатиш. Агар карларнининг та-лаффузи етарли даражада тушунарли ва шу билан бирга керакли бўлган тилни ўзлаш-тириш кинестезия кафиллигини олмаса, нутқий тафаккурнинг ишончли базаси бўлиб хизмат қилмаса, унда буларнинг ҳаммаси ёзув ва дактил ҳисобига компенсация қилиниши мумкин.

Карларни талаффузига ўқитишнинг иккинчи масаласи шундан иборатки, тушунар-ли талаффузни максимал даражада етказиш. Яъни, анча тўла ва оғзаки нутқда учрай-диган ибораларни, фикрларни ажратиб талаффуз қилиш.

Карларни талаффузга ўқитиш берилган иккита масаладан ташқари яна бошқа маса-лалар ҳам мавжуд.

Нутқий кинестезияларга шундай нутқий фаолиятлар кирадики, улар лабдан ўқиш, оғзакинутқни эшитув ва эшитув – кўрув орқали қабул қилиш, ўқиш ва ёзиш.

Карлар талаффузи етарли даражада тез бўлиши ва унинг нутқ темпи гаплашаётган нутқ темпига мос бўлиши керак, шунингдек карлар ўз нутқида сўзлашув урғусига ва орфоэпик қоидаларига риоя қилиши керак.

Кар болаларни талаффузга ўқитишнинг таркиби, уларнинг оҳзаки нутқи фонетик шаклланганлиги, юқорида кўрсатилган талабларга жавоб бериш учун зарур бўлган би-лим, кўникма ва малакаларни шакллантиришдан иборат.

Аниқ ва тушунарли талаффуз қилиш талабларидан келиб чиққан яна бир қатор, нутқни фонетик шакллантиришнинг турли томонларига тегишли талаблар мавжуд. Улар: овоз, сўзнинг фонетик кўриниши ( орфоэпия, урғу, бўғин ритми ва фонематик тузилиши), жумлали интонациялар, шунингдек умумий темп ва талаффуз қилишнинг аниқ даражаси.

Сўзларни бир –бирига боғлаб талаффуз қилишга ёрдам берадиган нутқий нафас та-лабини ҳам кўрсатиб ўтишимиз зарур.

Бу ҳамма умумий ва ундан келиб чиққан талаблар, махсус дастурда аниқлаштирилган, кар болаларни талаффузга ўқитишнинг мажмунда ўз аксини топган.

***Тайёрлов синф*** -  ишнинг биринчи босқичи, сўзнинг товуш тузилиши устида олиб борилади. Бу босқичда болалардан 17 та асосий товушларни аниқ талаффуз қилинади, бироқ товушларни бошқа товушлар билан алмаштириш ( товушларни олдиндан қисқартирилган тизими бўйича) мумкин.

Ўқитишда сўз ва жумлалар устидаги иш билан бирга овоз ва нутқий нафас ишлари ҳам киритилади. Булар яъни: нормал тембрни ишлатиш, овозни нормал кучи ва ба-ландлиги, сўзлашув урғуларга кўра овоз кучининг ўзгариши, бирон-бир сўз, жумла ҳо-



сил қилинадиган 4-5 та бўғинни (бир нафасда) қўшиб айтиш киради.

Ишнинг иккинчи босқичи, (1-2- синф) сўзнинг товуш таркибидан аста-секин сўзни ишлаб чиқилишини аниқлашда ва олдиндан қилинган товушлар алмашинишни йўқо-тишдан иборат.

Шундай қилиб, талаффузга ўқитиш дастури қуйидаги бўлимларга бўлинади:

**1. Нутқий нафас.** Ишнинг таркиби- ўқувчилардан нафасдан тўғри фойдаланиш мала-каларни битта нафасда сўз ва қисқа жумлаларни ишлаб чиқиш, шунингдек жумлалар-ни синтагмаларга бўлиш малакаларини қайта ишлаб чиқишни шакллантиришдан ибо-рат.

**2. Овоз.** Ишнинг таркиби – нормал тембрни қўпол ўзгаришларсиз овоздан нормал куч ва баландликдан фойдаланиш кўникмаларини шаклантириш.

**3. Товушлар ва уларни ўқилиши.** Ишнинг таркиби – она тилидаги ҳамма товушларни гапира олиш ва сўзларда уларни ўқий олиш малакаларини шаклантириш. Бунда кар болалар товушлар таркибини ўзлаштиришда аниқ бир кетма – кетлик куза-тилади.

**4. Сўз устидаги иш:**

а) сўзлашув урғуси;

б) орфоэпик қоидаларни ўз ичига олади. Бу иш ўқувчиларда сўзларни боғлаб, то-вуш таркибини сақлаб, урғуларга эътибор бериб, шунингдек, она тилига хос орфоэпик қоидаларга риоя қилиб, тўғри талаффуз қилишни шакллантиришни кўзда тутади.

**5. Жумлалар устидаги иш:**

а) логик урғу;

б) орфоэпик қоидалар;

в) нутқ темпини ўз ичига олади. Ишнинг таркиби – ўқувчиларда жумлаларни нормал темпда бир –бирига боғлаб ( 1та нафас чиқаришда ёки синтагмаларга бўлиб ), урғуларга эътибор бериб ишлаб чиқиш малакаларини шакллантиришдан иборат.

## Карларни талаффузга ўқитиш даврлари.

Талаффузга ўқитишнинг 2 та даврни ажратиш мумкин:

а) бошланғич

б) талаффуз кўникмаларини мукаммаллаштириш ва автоматизациялаштириш даври.

Агар болаланинг тайёргарлиги бўлмаса ( мактабгача тайёргарлиги) бошланғич давр мактаб таълимининг 2 ярим йилини ( тайёрлов ва 1-2- синфлар) ўз ичига қамраб олади ва агар бола дарров 1 – синфга келса, бошланғич давр мактаб таълимининг 1 ярим йилини ( 1-2- синф) ўз ичига қамраб олади. Бу давр ичида болалар орфоэпик қоидаларга, урғуларга эътибор берадилар ва турли хил товушлар таркибидан иборат сўзларни тўғри ишлаб чиқиш кўникмаларига эга бўладилар. Ҳозирги вақтда карлар мактабларида талаффузни шакллантиришнинг 2 та йўли ишлатилади:

**1.** Ўқитиш жараёнида эшитишдан кенг фойдаланиш ва дактилема орқали нутқни ривожлантириш, яъни ўқитувчиларга мурожаат қилаётган пайтнинг ўзида, ҳам дактил, ҳам оғзаки нутқи орқали сўзларни ишлаб чиқади. Шунда ўқувчиларга фақатгина сўз-ларни ишлаб чиқишгина эмас, балки имконияти борича оғзаки нутқда талаффуз қилишга ўрганадилар. Бутун сўзларни ўқитувчининг лабидан ўқишга ва имкони борича эшитиш орқали қабул қилишга асосланган бундай ишлаб чиқариш жуда ҳам схематик тарзда олиб борилади, фақатгина баъзиларида уларнинг узоқ ўхшаш фоне-

тик кўринишини эслатадиган асосий товушларнинг ўқувчилар томонидан аста-секин ўзлаштириш вақтида тўлиқ ва тўғри бўлади. Бунинг натижасида ўқувчи томонидан дактил шаклида ўзлаштираётган материал, секин-аста уларнинг оҳзаки нутқига ўрна-шади ва керакли талаблар бўйича талаффуз қилинади.

**2.** Ўқувчиларда талаффуз қилиш кўникмаларини систематик ўзлаштиришни таъминлайдиган асосий йўл, оғзаки нутқни шакллантириш дарсари нутқни шакллантириш дарслари билан боғланган ҳолда сўз ва жумлалар материали устида олиб борила-диган режали ишдан таркиб топган.

Автоматизация ва талаффузни ҳосил қилиш кўникмаларини мукаммаллаштириш даври таълимнинг қолган йилларини ўз ичига олади.

Бу давр давомида эрта олинган талаффуз кўникмалари мукаммаллашади, талффуз нуқсонлари коррекцияланади, шунинингдек, бир қатор янги кўникмалар шаклланади. Шу давр ўзида кар болалар ўзбек тили фонетикасидан аниқ бир билимларни ўзлашти-радилар.

Ўрта ва юқори синфларда талаффузни шаклланиши бир қатор талаблар асосида ўт-казилади. Бунда дактил нутқ қисқартирилиб, яхши эшитадиган болаларга хос оғзаки мулоқот қилиш талабларига яқинлаштирилади.

Бу даврда талаффуз устидаги иш ўқувчиларнинг умумий ривожланиши даражаси ва уларнинг талаффуз қилиш кўникмаларининг ривожланиш даражаси билан боғлан-ган ҳолда амалга оширилади.

***Тақлид*** **–** биринчи талаффуз кўникмаларини ҳосил қилишнинг асосий йўлларидан бири бўлиб, ўқитишнинг бошланғич даврида асосий ўринни эгаллайди. Автоматиза-ция даврида ҳам тақлид ўзининг моҳиятини сақлайди, лекин бу билан бирга энг катта шринни артикуляцияни тушунишни эгаллайди. Бу даврда сўзлашув билимига таянган ҳолда ўз-ўзини текшириш имконияти пайдо бўлади. Талаффузни коррекциялашда так-лифлар ўқувчи томонидан артикуляцион ҳаракатларни тушуниши билан бирга олиб борилади.

Тўғри артикуляция нималардан иборат эканлигини ўқувчи қанчалик тушунса, қайта ўқитишда эса шунча яхши кечади. Шунинг учун бу даврда бошланғич даврга нисбатан янги машқлар киритилади. Шу билан бирга бу даврда ўқитиш воситаси бў-либ, сўзлашув нутқи ишлатилади, ўқувчилар ўқитишда онглилик тамойилини амалга ошириш мумкин бўлган спецефик муҳитни оширадилар. Автоматизация ва талаффуз кўникмаларини мукаммаллаштириш даврида ёш хусусияти, умумий ва нутқий ривож-ланиш даражаси ҳисобга олинган ҳолда ўқувчиларнинг мустақил ишларнинг моҳияти ошади.

Ишнинг ҳамма санаб ўтилган шакллари ўзаро бир-бири билан боғлиқ. Ўқувчилар эшитишга кенг таянган ҳолда ва нутқий амалиёт шартларида карларнинг талаффуз кўникмаларини мукаммаллаштириш ишлари амалга оширилади.

### Карларда нафас, овоз ва товуш қўйиш усуллари.

Кар болаларда талаффуз кўникмаларини шакллантириш, нутқий аппаратни у ёки бу усул орқали талаб этилган ишни чиқариш зарурияти билан боғлангандир. Карларда нафас, овоз ва товушни қўйишда 3 та асосий усулдан фойдаланиш керак:

Биринчи усул *тақлид* га асосланади. Ўқувчи бор анализаторлари орқали ўқитувчи намойиш қилганини қабул қилади ва қайтаради. Тақлид қуйидаги усулларда амалга оширилади:

а) эшитиш асосида- ўқитувчи экран орқасида гапираётганини (товуш, бўғин, сўз ёки бир қатор бўғинлар қаторини “па-па-па” ёки “ папапа”) ўқувчи эшитади ва эшитганини тўғри талаффуз этишга ҳаракат қилади.

б) кўриш асосида – ўқувчи ўқитувчининг оғзига (айрим ш,и, р товушларини артикуляциясида тилнинг ҳолати эътибор билан қарайди ва худди шундай қилиб қайтаришга ҳаракат қилади.

в) кўрув-эшитув асосида – ўқувчи бир вақтнинг ўзида ўқитувчининг артикуляцияси-ни кўради ва (ойна орқали) эшитади (овоз кучайтирувчи аппарат билан ойна орқали машқ қилади).

г) эшитиш ва кўриш орқали қабул қилиш билан боғланган ҳолда тактил – вибрацион асосда ўқувчи ўқитувчининг лабига қарайди. Масалан, “в” товушини артикуляциясида ўқувчи ўз қўлини оғзига яқинлаштиради ва оғиздан чиқаётган ҳаво оқимини сезади, кейин қўлини бўйиннинг ҳиқилдоқ соҳасига қўйилади ва бола овоз (ун) пайчалари-нинг вибрацияни сеза оладилар.

Тақлид қилишнинг ҳамма босқичларида талаффузни коррекциялашда ва у ёки бу талаффуз кўникмаларини дастлабки шакллантиришда қўлланилади. Кўриб чиқилган усулда овоз ва товушни қўйиш турли хил кўрсатмали воситалардан амалга оширила-ди. Бу овоз кучайтирувчи аппарат, шунингдек, талаффуз устида вибрайион ва кўриш назоратига мўлжалланган аппарат ва ойна бўлиши мумкин.

Иккинчи усус – *механик* усули. Бунда ўқитувчи нутқий органнинг униси ёки бунисига таъсир қилиб, уни пассив ҳаракатга ёки бир ҳолатга келтиради. Қорин деворга қўл билан босиш орқали ёки агарда бола фальцет (энг баланд, ингичка эркак овози) овозига мойиллиги бўлса, бунда ҳиқилдоққа қўл билан енгил босиш орқали нафас устида иш амалга оширилади.

Иккинчи усул орқали товушни ҳосил қилиш қуйидагича: ўқувчига у ёки бу товуш-ни айтиш таклиф этилади. Шу пайтнинг ўзида ўқитувчи қўл, шпател ёки зонд орқали ўқувчининг нутқий органлар ҳолатини ўзгартирад ва уларни пассив ҳаракатга кел-тиради. Қўйилиши керак бўлган товуш ҳосил бўлади. (“к” тов. “т”дан, “х”тов. “с”дан, “ш” тов. “с” дан, “ш” тов. “с” дан ёки “р”дан).

Ўқувчи ўзи билмаган ҳолда ҳаракатларни бажариши бу усулнинг хусусияти ҳисобланади. Масалан, “та” бўғинини ўқитувчи талабига мувофиқ талаффуз қилишга ҳаракат қилади. Шунда ўқитувчи шпатель ёки қўл бармоқлари ёрдамида болалнинг тилини босиш орқали “ка” бўғинини ҳосил қилади. Бир қатор машғулотлардан сўнг, кар боланинг мия қобиғида кинестетик ўзгаришлари пайдо бўлади. Бу ўқувчининг нутқий органлар янги ҳаракатни ва ҳолатни белгилайди, бу эса ўқувчи учун қанчалик эшиту қолдиғи бўлган товушни мустақил ўзи ишлаб чиқишга ёрдам беради.

Учинчи усул- *аралаш* усули. Бу усул биринчи ва иккинчи усулнинг бирга олиб бо-рилишидир. Ўқувчи ўқитучи таклифи асосида у ёки нутқий оргналар ҳаракатини иш-лаб чиқаради, лекин бу аниқ эмас. Ўқитувчи талаб қилинаётган товушни тўғри талаффуз қилишга ёрдам беради. “О” товушини қўйишда, масалан, бола лабини етар-ли даражада олдинга чиқаролмайди(“о” , “а” товушга яқин талаффуз қилинади). Шун-да ўқитувчи катта ва кўрсаткич бармоқлари ёрдамида болаланинг юзига қўйиб босади ва лаблар олдинга қараб чиқарилади.

## РАСМГА ҚАРАБ ГАП ТУЗИШ.

Расмда тасвирланган предмет вазият олдин илгариги ҳаёти тажриба маъносига тушуниши керак. Айрим элементлар ўчирилиши керак, улар билан алоқа ўрнатиш

керак. Бу масалани ечиш учун болалар олдин суратни таҳлил қилиши керак. Фойдаланиладиган суратлар ҳар хил бўлиши мумкин: предметли, вазиятли, сюжетли.

Болаларнинг ишини керакли ўзига қаратиш учун расмга саволлар берилади. Бош-қа пайтларда ўхшаш ибораларни тузиш билан мақсадга эришиш мумкин.

3- синфда маълумки, умумлаштирилган тайёргарликда муносабатларнинг ифода-лашда расмда берилган вазиятга қараб гап тузиш.

Расмда ҳовли, уйнинг бир қисми, айвон билан дарахтлар, шаҳлар, болалар беркин-мачоқ ўйнайдилар. Расмни қисқача тахминий таҳлили:

“ Бу ҳовли. Болалар ҳовлида ўйнайдилар, айвон, дарахт, шохлар бор”. Тузиш учун луғат берилади. Масалан: беркинди, беркинмоқчи, беркиндилар. Оғаки гапни болалар-нинг ўзи тузади:

“ Баҳром айвонга беркинди. Зилола дарахт орқасига беркинди ва бошқалар. Жа-ҳонгир ва Ҳилола шоҳлар орқасига беркиндилар”. Енгиллаштирилган варианда бу иш саволига- ким дарахт орқасига беркинди?, Жаҳонгир ва Ҳилола қаерга беркинишди?.

Яна мисол: билдирувчи ўнг, чап, ўрта расмга қараб стол, стул, табуретка бор деб расм предметни жоини билдирувчи гапларни тузиш мумкин.

Ўқувчилар гап тузишда табуретка чапда туради, стол ўртада туради, стул ўнгда туради.

## НАМУНА ТИКЛАШ БИЛАН АЙРИМ СЎЗЛАРНИ АЛМАШТИРИШ.

Наъмунали оддий қайтариш бошқа сўзларни ишлаишга ўтади. Юу машқларни ибора қуришда берилган тип кўникмасидир. Кейнги этап деп билиш мумкин. Фикир алмаштириш синтаксис тузишиш бузмасдан тузилади. Мисол: “Илтимос қалам, перо, китоб, дафтар беринг. Бор олиб кел, ол, дафтарни сотиб ол. Кимнинг китоби, (дафтар, сумка, қалпоқ).?

Умидники, Валиники, Гулиники.

## ЎЗЛАШТИРИЛГАН НАЪМУНА АСОСИДА МУСТАҚИЛ ФИКИР КЎРИШ

Берилган нутқ материални ўзлаштиришда бу машғулотларнинг тури олий босқичга муносиб. Илгари ўзлаштирилган иборатлрни болалар мустақил ишлатиш машғуло-тида сўзлашиш нутқини кўникмаслиги мустахкамлайдилар ва мукаммалаштиради.

Ўққвчилар ўзлаштирилган граматик кострукциясини хилма ҳил шароитида қўллай-дилар. Бой луғатни ишлаб констукциясини ва унга киритилган сўзлар маъносини кенгайтиради.

## СЎЗЛАР БИЛАН БАЖАРИЛАДИГАН ТОПШИРИҚЛАР.

Сўзлар: сўра, бер, ол, олиб кел, билиб кел, айт, қарагин

Машғулотларда ўқувчиларни коллектив нутқ фаолиятини ташкил қилади ва амалга оширади. Улар вазифанинг ривожланишини тушунишда, кўникмаларни муста-қил ишлатишда, илтимослар, саволлар, жавоблар тузишда ўзининг билимини хабар беришда ҳохишини билдиишда предметга муносабатида қўлланилади.



Бу фикрлар суҳбат таркибига киритилиши мумкин.

Мисол: Ўқитувчи ўқувчига вазифа билан мурожаат қилади.

- Шкафдан китобларни олиб болаларга тарқат. Ўқувчи вазифани бажариб туриб айтади.
- Нодир мана сенинг китобинг.
- Нодир китобларингни ол.

ва бошқа вазиятларда ўқувчи дўстига мурожаат қилади.

Олим Нодирадан қалам ол ва менга бер.

Ўқувчи вазифани бажариб туриб айтади.

- Ноила, илтимос қалам бер.
- Мадина қаламни ол.

## ЖАВОБЛАР ТУЗИШ МАШҒУЛОТИ.

Сўзлашишда нутқни ривожлантириш дарсида жавоблар тузиш, машғулотларни ривожланган турларидан бири ҳисобланади. Олдин жавоблар намунаси тайёр шаклда берилади, кейинчалик жавобларни ўзгартириб мустақил фикрларига ўтади. Тўлиқ жа-воблар ўқувчилар қаторида ўқувчилар уларни қисқа шаклларини ишлатишлари мум-кин, айниқса бир неча саволлар бўлганда ва улар ўзаро боғлиқ бўлса, суҳбатнинг мазмуни маълум бўлганда ва улар ўзаро боғлиқ бўлса, суҳбатнинг мазмуни маълум бўлганда қўллаб бутун конструкцияси ёки унга кирувчи сўзларни аниқлайди, суҳбат-лашган вазиятлар тўлиқ жавоблар ишлатиш ноўрин бўлади. Маълум саволлар ўзлаш-тириш жараёнида ўқитувчи синоним имкониятларини кўрсатади.

## САВОЛЛАР ТУЗИШ МАШҒУЛОТИ.

Шундай вазият кўзда тутиладики, дарсда ўқувчиларнинг савол тузиш ва уларга жавоб олиш зарурияти. Агар бундай зарурият бўлмаса, машқлар расмий характерга эга бўлади. Тугатилмаган вазифа саволлар тузишни ўргатишда яхши услуб ҳисоблана-ди. Мисол учун: қандай сўз билан савол бериш учун ўқитувчи столга ҳар хил рангли ва узунлигидаги қалам териб қўяди. Стол олдига ўқувчини чақириб вазифа беради.

“ Ботир қаламни ол, ўтир, уйнинг расмини чиз ”. Ўқувчи қалам олганда, ўқитувчи “ Йўқ буни эмас ”- дейди. Шундай қилиб ўқувчи – қандай қалам олай? ёки қайси қа-лам?- деган саволларга жавоб беришга мажбур бўладиган вазият келади. Нусҳасини ўқитувчи беради. Ўқувчи саволни қайтаради, жавоб олади ва вазифани бажаради.

## КИТОБДАН ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН МАШҚЛАР.

Янги намуна билан таниши учун ва уни мустаҳкамлаш учун ҳар дарсда уни мус-таҳкамлаўда китобдан фойджаланиш тажрибаси қўлланилади. Китобдаги

материални ўзлаштиришга қараб ҳар хил мураккаблигидаги, вазифаларни танлашади. Намунадаги қайта тиклаш, фикрни ўтказиб юборилган сўзлар билан тузиш. Луҳат ёрдамида ўхшаш гап тузиш, мустақил иборалар тузиш, китобдагини билиб бер, сўра, илтимос қил, сўзлар вазифаси савол бериш талаби ёки китобдан жавоблар берганда ва уларга жавоб тайёрлаш кераклигидир.

- 10 -

# СУХБАТГА АЙРИМ ФИКРЛАРНИ ҚЎШИШ МАШҚЛАРИ.

Суҳбатга айрим фикрларни қўйиш мақлари асосан 4 ва 3 синфларда қўлланилади. Болалар маълум даражадаги фикрнинг кўп турларини ўзлаштирганларида ва айниқса мураккаб конструкциялар устида иш олиб боришда қўлланилади. Сўзлашиш нутқ материалларини мустаҳкамлашда бу турдаги барча синф машғулотларида кенг қўлла-нилади. Суҳбат яққол кўзга кўрилган вазият асосидф авж олиши мумкин ёки болалар-ни илгари олинган тажрибасига асосланиб, асосий таълим-тарбиявий мақсадни кўз-лайди, унинг ривожи воқеалар, предметларни тасвирлашга ва уларни ўзаро боғланиш-га ёки бу турдаги диалогига ўз фикрини айтиши асос бўлади.

## Диалог ва суҳбат оборишини ўргатиш.

Айрим фикрларни айтишда сўз боғловчи нутқий муносабатлари орасида диалог –оралиқ ҳолатини эгаллайди. Катта фикрни айтганда, сўз боғловчи нутқда айрим ибо-ралар бир –бирлари билан умумлаштирилган мавзу, мазмун, логик боғланишлардан тузилади. Лекин фарқи ҳам бор. Диалогда нутқлар икки суҳбатлашувчилар сони чега-ралмайди, суҳбатлашувчилар доим ўзаро рол алмашадилар, мавзуга амал қилиши бе-рилган савол ва жавоб ўртасидаги маъноли ва логик боғланишлар орқали бўлади.

Айрим баённома ишлар доалогни боғланган нутқда ажратади ва айрим фикрлаш билан мулоқот билан яқинлаштиради. Болалар иш жараёнида олинган кўникмалари ҳосил қилинади. Методик усулини танлашда болалар олган кўникмаларини унутмас-ликлари керак.

Диалог ва суҳбат олиб боришда малакасини программа тажрибада бўлади. 1-синф-да фойдали ва нутқда тўғри сўзлашиш қоидаларини ўрганишда қўлланилади. Бошида берилган вазият уйи жараёнида ўзгарилади. Ўзгаришларни кўриб болалар тез ўзлаш-тира бошлашади, бу ўйин шаклида бўлади. Бу типда нутқ материали деворий шаклида берилади. Саволлар ва жавоблар ўзлаштирилгани сари диалогни жадвалсиз олиб бори-лади.

Тайёрланадиган ва олиб бориладиган мавзулар турли ва ҳаётдан олинган бўлиши керак. Мисол учун 3-синфда болалар ўртасида: « Ёз ҳақида уйларим », « оилам »,
« мактабдаги ва уйдаги байрамлар » .

Юқорида келтирилган мавзуларни айримлари билан олиб бориладиган суҳбатлар барча синфларда ўтказиб борилган материаллар асосида олиб борилади. Шу билан синфда олиб бориладиган суҳбатлар болаларни дам олиш куни бўлган

воқеа ва ҳоди-саларни, экскурсия, кўрилган фильмлар ўқилган китоб ҳақида бўлиши мумкин. Диа-лог ва суҳбатларни олиб бориш, расмлар ва сериалларни, сюжетлар билан олиб бори-лиши каттта аҳамиятга эга.

Диалогларда иштирок этувчиларнинг сони секин-асталик билан мустақилликка олиб борилади. 1- синф ўқувчилари диалогларни тайёр берилган расм ва қўшимча сўз-лар орқали олиб боришади. Ҳар болалар 1- синфда мустақил саволлар тузиши ва жа-воб бериши, суҳбатда иштирок этиши, логик, кетма-кетлигини кузатиб бориши керак. Машғулот давомида иштирок этувчиларда, диалогда қатнашиш малакалари ошиб боради ва ўқитувчи доим болаларга ёрдам бериши керак.

Лекин эсда тутиш керакки, кар боалаларни оғзаки нутыида ўрганиш жараёни жуда



мураккаб ва болаларда иродани талаб қилинади.

Шунинг учун дарслардаги босқичларда ўқиш малакасини ошириш узоқ ва давом-ли бўлиши керак эмас.

Сурдапедагог болаларни диалогга қатнашганда, ўргатганда синфдагиларнинг ҳам-маси иштирок этишига эътибор бериши лозим.

Болаларнинг диққитини содда диалоглардан тузиш лозим.

## Эшитишида нуқсони бўлган болаларни укитишда нуткдан фойдаланиш .

Биз юкорида кўриб чиққанимиздек , тўлиқсиз эшитув сўзни ташкил этувчи ва сўзларни тўғри талаффузини таъминлай олмайди . Ким ўқувчи билан доим мулокат қилса талаффузини нотўғрилигига қарамай осон тушунадилар . Кўпинча улар нутқининг бу нуқсонларини сезишмайди . Ўкувчи  талаффуз нуқсонларини бундай тўликсиз баҳолаш шу билан тушунтириладики , заиф эшитувчи бола сўз контурини ёки урғули қисмини доимо сақлайди .

Заиф эшитувчи болаларнинг сўзларни талаффуз қилишда улар учун характерли бўлган қуйидаги камчиликларни учратиш мумкин ;

**1.** Унли товушларга нисбатан кўпинча ундош товушларни нотўғри талаффуз килиш . Бунда белгиланган товуш гуруҳлари ичида ўрин алмаштириш характерлидир .

*А)* жарангли товушларни жарангсиз товушлар билан аралаштириш .

*Б)* шипилловчиларни сирғалувчилар билан аралаштириш .

*В)* баъзи бир товушларни ўзаро алмаштириш ( *т* , *к* , *п* ) .

*Г)* сирғалувчиларни портловчилар билан алмаштириш ( кўпинча *с* ва *з* , *т* ва *д* товушларига алмаштирилади ) .

**2.** Сўзларнинг алоҳида қисм ва товушларининг тушириб қолдирилиши . Бундай сўзнинг урғу тушмаган қисмини шунингдек ундошларнинг мураккаб бирикмасига кирган ундош товушларнинг қолдирилиши характерлидир .

**3.** Сўзга ортиқча бўғин ва товушларнинг киритилиши .

Заиф эшитувчилар нутқида пайдо бўладиган бу ҳолатни нутқнинг тўлиқсиз эшитув идроки идроки билангина тушунтириб бўлмайди . Заиф эшитувчи бола иалаффузидаги нуқсонларни таҳлил қилишда , яхши эшитувчи товушлар ёмон эшитилувчи товушларга нисбатан кўпроқ тушириб қолдирилишини кузатиш мумкин . Худди шундай ҳолат катта жарангдорлигига қарамай , нотўғри талаффуз қилинадиган *р* товушига ҳам тегишлидир . *Ш* товушининг артикуляцияси ҳам шундай мураккабдир. Нормал эшитувчи болаларнинг *р* ва *ш* товушларини бошқа товушларга нисбатан тўғри талаффузи кечроқ амалга оширилиши сабаби ҳам ана шунда .

Етарли эшитув текширишсиз *р* товушини ўрганиш мураккабдир . Заиф эшитувчи болани аниқ ва равшан эшита олмайдиган товушларнигина ёмон талаффуз қилади , деб ўйласак муболаға бўлади . Заиф эшитувчи боланинг нутқида барча товушлар талаффузидаги ноаниқлик учрайди ва нутқий тажрибанинг камлиги билан тушунтирилади . Заиф эшитувчи болалар талаффузини чуқурлаштириш ва ривожлантириш уларга қаратилган нутқнинг кучайтирилган , баланд шароитларида эшитишдан максимал фойдаланишни талаб қилади . Бунга овоз кучайтиргич аппаратура ёрдамида эришиш мумкин . Агар аппаратура бўлмаса , ёки болага мос келмаса , сўзларни қулоққа яқин қилиш керакки , бу одатда катта самара беради .

Бола билан сўзлашаётганлар одатда сўзларнинг аниқ , қисмларга бўлиб талаффуз қилишларига ёндошишлари керак . Аниқ ва қисмларга бўлиб талаффуз қилиш нафақат эшитув ва кўрув идрокига мос келади , балки нутқнинг бу иккала турдаги идроки боланинг талаффузини ривожлантириш учун муҳим шароит яратиб беради . Талаффуз машғулотларини бола билан кўзгу олдида олиб бориш тавсия этиладики , бола кўзгуда ўзининг лаб ҳаракатларини кузатиши ва ўқитувчининг лаб ҳаракатлари билан таққослаши керак . Баъзи бир болалар диққатнинг тарқоқлиги туфайли чалғийдиган бундай ҳолатда кичик қўл кўзгусидан фойдаланиб боланинг лаб ҳаракатларини кўрсатиш керак . Талаффуз машқлари чекланмайди , уларга доимо сўзлар киритиб борилади . Шунинг учун машғулот мавзусига таалуқли бўлган предметлар тасвирланган расмлар мавжуд бўлиши керак .

***Алоҳида нуқсонли товушлар талаффузини тузатиш .*** Агарда талаффузни тўғрилаш керак бўлса , ўқитувчи ўқувчи билан ойна қаршисида ёнма – ён ўтиради . Болада товушнинг тўғри артикуляциясига эришиш учун ўзингизнинг артикуляциянгизни ойна олдида кўрсатинг . Бу ҳолатдаги товушларда керакли нафасни ҳосил қилиш учун боланинг бир қўлини ўзингизнинг оғзингизга , иккинчи қўлини унинг оғзига шундай қўйингки , у кафтининг юз қисми билан портловчи товушларда ( *п , т , к , б , д , г* ) туртки шаклидаги нафасни , протор товушларда ( *ф , с, ш , в , з* ) чўзиқ ва равон чиқувчи ҳаво оқимини ҳис эта олсин .

Бу ҳолатдаги товушга хос бўлган овоз вибрациясини ўқувчига кўрсатиш учун , ўқитувчи ўқувчининг бир қўлини ўзининг бўйни , кўкрак қисми ёки иягига , иккинчи қўлини қўлини шунга мувофиқ тарзда ўқувчига қўяди .

***П , Б , М товушлари .*** П ва Б товушларининг талаффузида ўқувчи ойна орқали қуйидаги артикуляцияни кўриб , ҳосил қилишга ҳаракат қилади . Жипслашган лаблар бу товушлар талаффузида ҳаво оқимини ёриб чиқиш натижасида очилади . Бу ҳаво оқимини ўқувчи кафтида ҳис этиши мумкин . *П* товушининг талаффузида ун пайчаларининг вибрацияси содир бўлмайди , *б* товушининг талаффузида эса ун пайчалари қатнашади . Артикуляцияга тақлид қилиб ўқувчи осонлик билан товушни талаффуз этади , лекин ун пайчаларининг

вибрацияси натижасида ҳосил бўлувчи жарангли *б* товушининг талаффузи устида баъзида махсус машғулотлар қилиш керак . Болада товуш вибрациясини ҳосил қилиш учун кўмаклашишида , нафақат унинг эшитув идрокидан , балки вибрацион сезгилардан фойдаланиш керак . Боланинг қўлини ўқитувчини юзи ва кўкрак қисмига қўйиб *б* товушининг талаффузидаги вибрацияни намойиш этиш мумкин бўлади . Кўп ҳолларда ўқувчи бундан сўнг товушни тўғри талаффуз этади . Лекин бошқача ҳам бўлиши мумкин : баъзи болалар *б* товушини бурунли тусда каби талаффуз этишига ҳаракат қиладилар . Бу ҳолатда ўқувчи қўлини ўқитувчи бурни олдига қўйиб , вибрация йўқлигини кўрсатиши керак . Бола бурни олдида турган бармоғининг назорати остида *б* товушини бурунсиз талаффуз этади . Вибрация ҳосил бўлмаган ҳолларда , қуйидаги усулни тавсия этиш мумкин : болага лабларни чўччайтириш таклиф этилади , сўнг қўлини ўқитувчи кўкрак қисмига қўйиб , товушлар овоз ёрдамида талаффуз этилиши кўрсатилади . Бунда бола икки лабли *в* товушини эслатувчи товушларни талаффуз этади . Бармоқ пастки лабларга қўйилиб , лабларни бирлаштириб , ажратган ҳолда юқорига ва пастга бир нечта ҳаракатлар қилинади . Бунда *бббб* ҳосил бўлади . Бундай талаффузга эришилгандан сўнг , мустақил равишда товушнинг талаффузига ва унинг унлилар билан биргаликдаги машқига ўтиш мумкин . *ба – ба , бо – бо , бу – бу* . *М* товушининг талаффузида ҳам бола ойна орқали жипслашган лабларни кўради . Лекин бунда лабларни ёриб чиқувчи ҳаво оқими бўлмайди . Аксинча , жипслашган лаблар қўшни унлиларга ўтиш давомида осонгина ажралади . Лекин *м* товушининг талаффузида бурун қанотлари вибрация қилади , бу эса товушга бурунли тус беради .

Бу товушларнинг асосий талаффузлари ўрганилиб , бўғинли машқларга ўтилади ( тўғри ва тескари бўғинли товушлар ) : *ба , па , ма , аб , ап , ам* .

Одатда заиф эшитувчи болаларда бу машқлар лозим бўлган ундош товушлари мавжуд сўзлар талаффузи билан бў0инларда кўп миқдордаги машқларни талаб этмайди , чунки бу товуш сўзнинг юхирида одатда *п* сингари жаранглайди . *Рубоп , (рубоб) , одоп (одоб)* . *Б* товуши тескари бўғинда фпқатгина сўзнинг ўртасида жарангли ундошлардан олдин келса ёки сўзнинг охирида , агарда кейинги сўз жарангли товушдан бошлансагина жарангли эшитилади . Шунинг учун унинг талаффузини фақат лозим бўлган ундош товушлари мавжуд , товуш бирикмалари ва сўзларда машқ қилишига тўғри келади : *абга , абда , абра , ...* .

Заиф эшитувчи бола кўп ҳолларда *м* товушини эшитув идроки ёрдамида , тақлид асосида талаффуз этишни ўрганади , чунки одатда бурунли товушларни эшитади , кам ҳолларда заиф эшитувчи бола *м* товушини ўрнига *б* ёки *п* товушини талаффуз этади . Бу нуқсонни бартараф этиш учун , нуқсонни болани узоқ вакт , *м* товушини талаффуз этишга мажбур қилиш ва асталик билан кейинги унлига ўтиши лозим ; *ми , ма* ва ҳ . к . Тезлик билан ёпиқ бўғинли машқларга ўтиш лозим ; *ам , ом , ум , им* . Бу ерда *м* ва *п* товушининг аниқ фарқланишига эътибор бериш керак . Бола бу товушларни мустақил талаффуз этишга ўрганиб кўпинча уларни сўзларда адаштиради . Машқларни бажариш давомида товушларнинг турли артикуляциястни бола билан биргаликда кузатиш йўли орқали , бу нуқсонни бартараф эитш қийин эмас:

*ма – ма – мо , мо – мо – му , на – на – на – но – ну* ва *ма – на – мо – но , ам – ан , ом – он , ум – ун* .

***С ва З товушлари .*** Биз кўп ҳолларда *с* товушининг нотўғри талаффузи билан тўқнашамиз . Одатда биз заиф эшитувчи болаларда *ш* ва *с* товушларининг

алмаштирилишини кузатамиз . *С* товушининг талаффузи учун қуйидаги артикуляция талаб этилади : лаблар ярим очиқ , пастки жағ бир оз туширилган , лекин тишлар тегар – тегмас ҳолатда , тил учи пастки тишлар орқасида туради . Тишнинг олдинги курак қисми юқориги тишлар билан тирқиш ҳосил қилади , тилнинг ён қирралари , ён тишларга зич тиралган бўлиб , фақат тилнинг ўрта қисмида ингичка тирқиш қолади . *С* товушини талаффуз этиш учун , бола оддий артикуляцияда кўринмайдиган тил ҳолатини ўзига эшитув идрокига мурожаат этган ҳолда ва қўлда ҳаво оқимини намойиш этиш орқали , кўпинча *с* товушини ҳосил қилишга эришилади . Агарда бу усул орқали тўғри талаффузга эришилмаса , болага тил ҳолатини бироз очиқ оғизда кўрсатиш мумкин . Болага тил учини ва тилларга тегиб туришини ва тилда тирқиш ( узунасига арикча ) мавжудлигини тушунтириш муҳим . Тил учини лозим бўлган ҳолатга шпатель ёрдамида қўйиш мумкин . Бунда Ф. А . Рау зондларини ишлатиш мақсадга мувофиқ .

Баъзи болаларда ойна орқали тўғри артикуляцияни кўрсатган ҳолда тузатиш мумкин бўлган ҳолда тузатиш мумкин ьўлган тишлараро *с* товуши ҳосил бўлади .

*С* товуши талаффузидаги баъзи камчиликлар устида батафсил тўхталамиз :

1. Қаттиқ товуш ўрнига юмшоқ *сь* товуши ҳосил бўлади ( *са , со , си* ўрнига *ся , сё , сю* каби талаффуз қилинади ) . Бунга сабаб тил қирраларининг ҳаддан зиёд кўтарилганлигидир . Агарда нуқсон аниқ намоён бўлса , тишлараро *с* дан фойдаланган ҳолда тузатиш лозим .

2. *С* товуши учун характерли бўлган ҳуштак бўлмайди . Юқориги ва пастки тишлар орасидаги чиқаётган ҳаво оқимининг енгил шовқини эшитилади .

Бу камчиликнинг сабаби шундан иборатки , тил кўтарилмаган , оғизнинг орқа қисмида бўлади . Бу ҳолатда болага ойна олдида тилни кўтариш , ён қирраларини буклаш машқ қилдирилади . Тил лозим бўлган ҳолатларни қабул қилгач , боладан тишларни яқинлаштириш ва чўзиқ *с* товушини талаффуз этиш сўралади . Бунда ўқитувчининг ўзи *с* товушини талаффуз этиши ва болага қўли орқали совуқ ҳаво оқимини ҳис этишига имкон бериши керак .

Агарда баён этилган усуллар узоқ вақт мақсадга олиб келмаса , вақтинча ўқувчини тиллараро *с* товушига ўтказиши керак .

Кўпинча заиф эшититувчи болада товушни бузиб талаффуз этишни кузатишимиз мумкин . Бунда ҳуштак умуман эшитилмайди . Бунда тил тиллараро тирқишни беркитиб қўйиб ҳаво оқимининг чиқишини мураккаблаштирган ҳолатда бўлади . Баъзида тирқиш шу қадар беркилиб қоладики , *с* товушининг ўрнига *т* ёки *ц* товуши ҳосил бўлади . Бу ҳолатда ойна орқали пастки жағнинг олдинги тишларини юқориги тишларга қарама – қарши эмас , балки бироз орқага тисарилган ҳолатда бўлишлигини кўрсатиш керак ва боланинг диққатини тилнинг учи пастки тишларга тегиб туришга қаратиш керак .

3. Кўпинча заиф эшитувчи болалар *с* товушининг ўрнига *щь* товушини талаффуз этадилар . Бу камчилик тилнинг учи пастки тишлардан орқага кетиб қолиши натижасида келиб чиқади . Бу камчилик вақтинчалик тишлараро артикуляция орқали бартараф этилади .

*С* товушининг талаффузидаги камчилик билан бирга *с* товушидан фарқли , талаффузида овоз ҳам қатнашувчи *з* товушининг нотўғри талаффуз этилиши кузатилади .

*З* товуши овозлашган *с* товушидан бўлак нарса эмас , шунинг учун *з* товушини бола *с* товушини талаффуз этишни ўрганиб бўлгач қўйиш мумкин . *З*

товушини қўйиш учун , бола олдида чўзиқ *с* товушини *з* товушига ўтиш керак . Бола ойна орқали артикуляцияни кўриши , кафтида ҳаво оқимининг ва ияк тагидаги овозли вибрацияни ҳис этиши керак .

***Д товуши .*** Баъзида заиф заиф эшитувчи бола *д* товушини тезда талаффуз эта олмайди , гарчи жарангсиз *т* товушининг талаффузига одатда қийинчиликларсиз эришилса ҳам . *Т* товушининг артикуляцияси ойнада аниқ кўринади . Юқори тишларга тиралиб турган тил учи , ҳаво оқимининг чиқиши натижасида куч билан тишлардан итарилади . Бола қисқа ҳаво босимини қўлининг кафтида ҳис этиши мумкин ва шунинг ўзи *т* товушини тўғри талаффузи учун етарли . *Д* товуши овозли вибрацияни қўйиш йўли билан *т* товушидан қўйилади . Вибрация одатдагидек кўкрак қисмида ҳис этидади . Агарда бу йўл билан бола *д* товушини ўзлаштира олмаса , аввал қўйилган *б* товушига мурожаат этиш мумкин . Бола билан биргаликда бир қатор *ба – ба – ба* бўғинларини талаффуз этиб , *да – да – да* бўғинларига ўтилади . Бунда бола доимо эшитувчининг лабларига қарайди ва товуш вибрациясини ҳис этади . Агарда кўп марта такрорланишлардан кейин *д* товуши ҳосил бўлмаса , қуйидаги усулдан фойдаланиш мумкин : аввал бола тақлид асосида бир қатор *ба – ба – ба* бўғинларини тилни тишлараро қўйган ҳолда талаффуз этади , бунда лаблараро *д* товуши ҳосил бўлади . Бу товушни бўғинларда мустаҳкамлаш , кейин эса тишлараро ва ниҳоят тиш орқа *д* товушига ўтиш керак . Агарда бола *д* товушига *н* товушини қўшиб *нда – нда* деб талаффуз этса , унга *д* товушининг талаффузида боланинг бурнини бироз қисиб туриш мумкин .

***Р товуши .*** Заиф эшитувчи болалар учун *р* товушининг талаффузи сезиларли қийинчилик туғдиради . Лекин унинг постановкасига киришмасдан аввал , бу товушни бола қулоқ супраси яқинида ёки овоз кучайтиргич аппаратура ёрдамида талаффуз этиш лозим . Болада *р* товушининг ҳосил бўлиши учун кўп ҳолларда бунинг ўзи етарли бўлади . Акс ҳолда эшитув орқали тақлид асосида товушни талаффуз этишга бўлган боланинг натижасиз ҳаракатларида тилга қуйидаги ҳолатни бериш керак : оғизда тил қошиқча шаклини олиб , унинг ён қирралари юқори тишларга тиралган бўлади . Ҳаво босими натижасида тилнинг олд қисми вибрация ( тебранади ) қилади . Овоз пайчалари ҳам вибрация қилади . Агарда *р* товуши ҳосил бўлмаса , тилни механик ҳаракатга келтирувчи машқларга ўтиш керак . Боланинг жимжималоғини тил остига қўйилади ва жадаллик билан чўзиқ тарзда *з* товушини талаффуз этиш таклиф этилади . Бу вақтда ўқитувчи тезкор ҳаракатлар билан горизонтал йўналишида тилни ҳаракатга келтиради . Вибрация ҳосил қилингач ҳосил бўлган товушга *т* ёки *д* товуши қўшилади . Бола *трр* ёки *дрр* деб талаффуз этади . Кейин эса *трра , дрра* бўғинларига ўтади . Вибрация принципини намойиш этиш учун лаб вибрацияси кўринишидаги “ *кучерский* “ *р* дан фойдаланиш мумкин . Бола бундай лаб вибрацияни ҳис этади . Шунда тилни юқори тишлар томон олиш зарур . Бунда одатда *р* товуши жаранглайди .

***К ва Г товушлари .*** *К* ва *г* товушлари эшитувчи болаларда эшитув идроки ёрдамида мустақил ҳосил бўлмайди , агарда бола *к* ва *т* товушини талаффуз эта олса , бу товуш постановкаси мураккаб эмас . *К* товушини ҳосил қилиш учун , болага *т* товушини талаффуз этиш таклиф этилади , бу вақтда тишлар орасига шпателни тилни учига бироз ботириб , тилни орқага итариш керак . Бунда тил қирралари юқорига кўтарилади ва тил танглайга тегар – тегмас ҳолатда танглай орасидан ўтиб портлаш содир бўлади . Лекин тилнинг ўзгарган ҳолати *к* товушини ҳосил қилади . *К* товуши ҳосил бўлганда , болага бу ҳақда айтиш лозим ва у билан

бирга шпатель ёрдамида *к – к – к* товушининг талаффузини давом эттириш керак . Шу ҳолатнинг ўзида бола *та – та – та* бўғинини талаффуз этади , аслида эса *ка – ка – ка* бўғини эшитилади . Тўғри жарангловчи *ка* ҳосил бўлгач , шпателни олиб ташласа бўлади . Шпатель ёрдамида қиладиган машқларни баъзида қайтариб туришга тўғри келади . Боланинг ўзи шпателсиз бармоқлари ёрдамида машқ қилиши мумкин . Агар юмшоқ *кь* ва *кя* ҳосил бўлса , унда тилни чуқурроқ босиш керак бўлади . *К* товушининг тўғри талаффузи ҳосил бўлгач уни нафақат очиқ бўғинларда , балки ёпиқ бўғинларда ҳам талаффуз қилиш лозим : *ак , ок , ук , ик* .

*К* товушининг тўғри талаффузига эришилгандан сўнг , *г* товушининг постановкасига ўтиш мумкин . *Г* товуши *к* товушига овоз қўшиб талаффуз қилиниши билан фарқланади . *К* товушида овоз пайчалари тебранмайди . Одатда *г* товуши *к* товуши орқали нутққа қўйилади . Болага *ка – ка – ка* бўғинини талаффуз этиш таклиф қилинади . Бу пайтда боланинг бир қўли ўқитувчининг бўйнида , иккинчи қўли ўзининг бўйнида туради . Кейин ўқитувчи *га – га – га* бўғинларини талффуз этади . Бола ҳам тақлид асосида *га – га – га* бўғинини талаффуз этади .

Агар бола талаффуз эта олмаса , унда болага *г* товушини овоз билан талаффуз этилишини бошқа товушлар ёрдамида , масалан *б* ва *д* товушларини мисол қилиб тушунтириш мумкин . Бунинг учун бола ўқитувчидан кейин ( қўлини унинг бўйнига қўйган ҳолда ) *па – па – па , ба – ба – ба , та – та – та , да – да – да* ва охирида *ка – ка – ка , га – га – га* бўғинларини такрорлаши лозим .

Бу усул билан ҳам тўғри талаффузга эриша олмаса , унда *г* товушини *д* товуши ёрдамида қўйиш мумкин . Бунда бола *да – да – да* бўғинларини талаффуз этиш таклиф этилади ва шпатель ёрдамида тил учи бироз босиб орқага итарилади , *да – да – да* бўғини ўрнига *га – га – га* каби талаффуз этилади . Боланинг қўли доим сурдопедагогнинг бўйнида туриши лозим . Бола *г* товушининг талаффузини тушуниб олгандан сўнг дарҳол унли товушлари ( *а , о  у , и* ) иштирок этган бўғинларни талаффуз этишга ўтиш лозим : *га – га – га , го – го – го , гу – гу – гу , га – го – гу* ва бошқалар .

***Х товуши .*** Одатда *х* товуши болага ойна олдида тилнинг ҳолатини кўрсатиш ва кафтнинг устки қисмида узун ҳаво оқимини ҳис этиш билан қўйилади . Агар товуш чиқмаса , унда *к* ва *х* товушларининг фарқи узун *ка* ва *ха* бўғинларида тушунтирилади. Кўп ҳолларда эшитишида нуқсони бўлган болалар бу усуллар ёрдамида *х* товушини талаффуз эта олмайдилар . Бунда *х* товуши *с* товушидан ҳосил қилинади . Болага *са – са – са* бўғинини талаффуз этиш таклиф этилади , вақтнинг ўзида махсус зонд ёки шпатель ёрдамида тилнинг учи босилиб орқага бироз итарилади . Бунда аввало *ся* , сўнгра тил бир оз ичкарига итарилганда *ха* бўғини эшитилади . *Ха – ха – ха* бўғини эшитилиши билан болага бу талаффуз тўғри эканлиги айтилади ва то боладан *х* товуши ҳақидаги тушунча мустаҳкамланмагунча шпателни оғиздан олмай туриб , бир қатор бўғинли машқлар ўтказилади . Болада *х* товуши ҳосил бўлгач бир қатор очиқ – *ха , хо , ху* ва ёпиқ *ах , ох , ух* бўғинларида мустаҳкамланади .

***Ш ва Ж товушлари .*** *Ш* товушини талаффуз этаётганда лаблар бир оз чўччаяди, юқори ва пастки тишлар бир – бирига жуда яқинлашади , тил оғиз ичида косача ҳолатида бўлиб , тил учи тепа тишларга томон кўтарилади . Қўлни оғизга яқинлаштирганда кучли ва илиқ ҳаво оқимини сезиш мумкин .

Болага тилнинг ҳолатини оғизни ярим очган ҳолда кўрсатиш мумкин . Бола *ш* товушини эшитиб ва қўлда ҳаво оқимини ҳис қилиб кўпинча *ш* товушини ўзи талаффуз этади .

Агар тил юқорига етарлича кўтарлмаса унда икки бармоқ ёрдамида тилнинг ён томонларини кўтариб , ушлаб туриш лозим . Агар бола *р* товушини талаффуз этишни билса , у ҳолда болага бу товушни овозсиз талаффуз этишни ва тил учининг тебранмаслиги учун бармоқлар билан ушлаб туриш таклиф этилади . Бунда шипилловчи товуш ҳосил бўлади .

Кўпинча эшитишида нуқсони бўлган болалар шипилловчи *ш* товуши ўрнига *с* товушини талаффуз этишади . Бу камчиликни одатда лабларни бироз чўччайтириш ва тилни юқорига кўтариш билан бартараф этилади . Овоз кучайтирувчи аппарат болаларга *ш* ва *с* товушларининг фарқини эшитишга ва тўғри талаффуз этишларига ёрдам беради . *Ж* товуши *ш* товуши ёрдамида нутққа қўйилади . Бунда *ш* ва *ж* товушларининг фарқини билиш учун боланинг диққатини *ж* товушининг артикуляциясига қаратиш лозим . *Ж* товушини талаффуз этаётганда пастки тишлар қатори бир оз пастга туширилади , тил учи танглай томон *ш* товушига нисбатан юқорироқ кўтарилади , чиқаётган ҳаво оқими кучсизроқ бўлади . Овоз пайчалари эса жипслашган ҳолатда бўлиб енгил титрайди .

*Ж* товушининг овоз билан талаффуз этилиши бола ҳис этиши учун бир қўлини ўқитувчининг ияги тагига иккинчисини ўзиникига қўйиши лозим .

Бола бундай ҳолатда биринчи *ш* товушини талаффуз этиб , аста секин *ж* товушини талаффуз этишга ўтади ва бунда у вибрацияни сеза бошлайди . *Ж* товушининг тўғри талаффузига эришгач бўғинларда мустаҳкамлаш лозим .

***Ц ва Ч товушлари .*** Бу товушнинг ҳар бири иккита товушдан иборат аниқ товушлар ҳисобланади . *Ч* товуши бир нафасда талаффуз этиладиган *ть – шь* каби иккита юмшоқ товушлардан иборат . Бу товушга анологик бўлган *ц* товуши *т* ва *с* товушларидан ташкил топган . Бу товуш нуқсонларини тузатиш учун болага товушнинг нафақат таркибини , балки ҳар бир товушдан фарқли томонларини кўрсатиш зарур , эшитишдан максимал даражада фойдаланиб , бу товушлар талаффузини тузатиш мумкин .

***Жарангсизлашган товушлар .*** Эшитишида нуқсони бўлган болаларда жарангли товушларни жарангсизлашуви ва уларни жарангсиз товушлар билан алмаштириш кузатилади . Шунинг учун барча жарангсиз товушларни жарангли товушлар билан қарама – қарши ҳолатда талаффуз қилиш устида махсус иш олиб бориш зарур : *па – ба, та – да , ка – га , фа – ва , са – за , ша – жа .*

Юқорида биз эшитиш идрокини ривожлантириш мақсадида урғудан тўғри фойдаланиш зарурлигини кўрсатиб ўтдик . Нутқни равон бўлиши учун болани урғудан тўғри фойдаланишга ўргатиш зарур . Урғули бўғин бизнинг нутқимизда бирмунча чўзиқ ва баландроқ талаффуз қилинади . Бўғинли машқларда болани урғули бўғинни , урғусиз бўғиндан фарқли равишда шуғуллантириш лозим .

Баъзи бир бўғинлар узун , баъзилари қисқа талаффуз қилиниши кўрсатиб ўтиш зарур .

Бола 2 – 3 – 4 бўғинни кетма – кет талаффуз қилиши керак :

*па , па , па , та , та , та , са , са , са ;*
*па , па , па , та , та , та , са , са , са ;*
*па , па , па , та , та , та , са , са , са ;*
*тата , саса .*

Товуш бирикмаларини ўқувчи билан биргаликда талффуз қилиб , урғуни қўл ҳаракати билан кўрсатиш зарур . Ушбу машқлардан сўнг ўқувчи сўзларни бўғинларга эътибор берган ҳолда талаффуз қилиш устида шуғулланиш керак .

- Эшитишида нуқсони бўлган болаларни ўқитишда нутқ турларидан – дактил , оғзаки , имо – ишора , ёзма , лабдан ўқиш , қўлдан ўқиш , гапириш , уқишдан фойдаланиш уларнинг мулоқат жараёнини ривожлантиради .
- Эшитишида нуқсони бўлган болаларни ўқитишда нутқ турларидан фойдаланиш жараёнида уларнинг билиш жараёнларини ( сезги , диққат , идрок , хотира , тафаккур ) ҳам ривожлантириб борилади .
- Шуни таъкидлаш лозимки нутқни тўлиқ ривожлантириш фақат махсус шароитлардагина олиб борилиши , яъни эшитишида нуқсони бўлган болаларни нутққа ўргатиш жараёни эшитиш қобилиятини ривожлантириш ва талаффузга ўргатиш дарсларида изчиллик билан кетма – кетлик асосида ва махсус методикалар ёрдамида олиб борилса яхши самара беради .
- Бизнинг фикримизча эшитишида нуқсони бўлган болаларни нутққа ўргатиш қанчалик эрта бошланса , бу болаларнинг нутқи шунчалик яхши ривожланади .
- Эшитишида нуқсони бўлган болаларни нутққа ўргатишда овоз кучайтиргич аппаратуралардан кенг фойдаланиши , болаларга атрофдагиларнинг нутқини яхшироқ қабул қилишга ёрдам беради . Бундай шароитларда болалар ўзларининг эшитиш қолдиғидан фойдаланишга ўрганадилар . Бунда уларнинг нутқи бир мунча интенсив ривожланади : луғат бойлиги тезроқ ўсиб боради , грамматик яхшиланади , тўғри талаффузга эришилади .

## Карларни талаффузга ургатиш методлари.

Замонавий мактаб ва богчаларда карлар учун огзаки нутк таълими сузли нуткни дактил куринишида шакллантириш билан бирга олиб борилади.

Бундай ёндошув мулокат учун керакли булган нуткий материални тез узлаштириш имконини беради.Педагог томонидан сузларни синхрон дактиллаш ва огзаки гапириш, укувчиларни огзаки-дактил сузлашишга ундаш, диккатни нутки харакатларга, нуткнинг жарангига, уни эшитиш ёрдамида кабул килишга ёрдам берадилар овоз кучайтиргич аппаратларидан фойдаланиш болаларнинг нуткий аппаратини фаоллаштиради.

Буларнинг барчаси лабдан укиш малакасини шакллантиришнинг тугри йуналтирилган ва тизимли ишни олиб бориш учун кулай имкониятлар яратади. Лабдан укишга ургатишнинг асосий вазифаси болаларда атрофдагилар билан мулокат жараёнида огзаки нуткни эшитув-курув кобилятини ривожлантиришдан иборат.

Кар болаларнинг талаффузга ургатиш асосий вазифаси-огзаки нуткни мулокат куроли сифатида ривожлантириш унинг аник ва равонлигига эришишдан иборат. Бизнинг мактаб ва болалар богчаларимизда кабул килинган аналитик – синтетик методнинг хусусияти унинг

консентрик характерга эга эканлигидир. Консентрик методнинг асосига нормал эшитувчи бола нуткининг талаффуз томонларини узлаштириш конуниятлари ётади.

Урганилаётган методнинг мохияти шундаки, мактабларга нутксиз кабул килинадиган карларни дастлабки талаффузга ургатиш – биринчиси тайёрлов снифида, иккинчиси эса I ва II синфларда олиб борилувчи иккита концентирлардан иборат. Тайёрлов синфларида укувчилардан фонемаларнинг сакланиб колган тизимини ташкил этувчи 17 та асосий фонемаларни аник талаффуз этиш талаб килинади. Асосий товушларга А,О,У,Э, И унлилари ва П,Т,К,Ф,С,Ш,Х,В,М,Н,Л,Р ундошлари киради.

Бу товушлар артикуляция буйича бир-биридан фарк килишади ва бошка товушларни узлаштиришга нисбатан бу товушларни узлаштириш анча енгил хисобланади.

Товушлар муносабати буйича асосий товушларга кирмаган товушлар асосий товушларга мос равишда сузларда вактинчалик бошка товушларга алмашинади.

| Асосий фонемалар | А | О | У | Э | И | П | Т | К | Ф | С | Ш | Х | В | Л |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Алмаштириладиган фонемалар | | | | | Ы Й | П Б Б | Т Д Д | К Г Г | Ф | С З З Ц | Щ Ж И | Х | В | Л |

Бугунги кунда карлар мактабида айтиб утилганидек, талаффузга ургатишнинг аналитик-синтетик концентрик-полисенсор методи кабул килинган.

Аналитик-синтетик – бу янги, суз устида ишлаш демакдир.

Бу анализ ва синтез, бутун ва кисм муносабатларини диялектик тушуниш демакдир.

Аналитик-синтетик метод турли нуткий харакат малакаларини шакллантириш психологик жихатдан окланган.

Аналитик-синтетк методи талаблари билан ишлаш, суз элементлари устида иш (бугин, товушлар) ажратиб курсатилган товушлар устида иш олиб бориш ишига буйсинади.

Сузларни талаффуз килиш устидаги ишлар ритмик ва режали малакасини ишлаб чикиш учун йуналтирилган. Болалар талаффузда биринчи марта учрайди, гап сузлар анализ килинади. Анализ баъзи холларда факатгина бугингача олиб борилади.

Сузларни талаффуз килиш билан боглик булган машкларни ишлаб чикишда сузни укиб чикиш ёки сузларни алохида харф, бугинларга ажратиш ишлари таклиф этилади. Буларнинг барчаси нутки материални мустакил талаффуз килишни таъминлайди. Сизга маълумки, карлар таълими ва талаффуз этиш жараёни карларни эшитувчи инсонлар жамиятида ижтимоий мослаштиришга эришиш учун йуналтирилган. Буларга огзаки нуткни тарбиялашда мухим урин эгалловчи вазифалар тупламини ечиш оркали эришилади. Бу ечим эшитиш ва нутк бирлиги бузилган мураккаб шароитларда олиб борилади.

Иван Петрович Павлов инсон нерв тизимининг компенсатор имкониятларини курсатиб берган. Анализатор функцияларининг бирининг йуклиги бошка анализаторларга конпенсациялашади.

Шунинг учун айтиб утилган метод нафакат аналитик-синтетик балки полисенсор метод булиб хам хисобланади.

Демак, карларни талаффузга ургатиш жараёнида курув, тери туйиш каби талаффузни ургатиш учун кулай шароит яратиб берувчи анализаторларга таяниш назарда тутилади.

Колдик функциядан фойдаланиш асосий ахамиятга эга. Учинчи чоракнинг охирига бориб тайёрлов синфи укувчилари асосий товушларни узлаштиради.

I ва II синфларда сузларни талаффуз килишни гурухлаштириш буйича тизими иш юритилади. Еуткда доимий карларни талаффузга ургатишнинг иккинчи вазифаси талаффузнинг максимал тушунарлигига эришишдан иборат.

Курсатиб утилган иккита вазифа билан бирга бошка вазифалар хам мавжуд.

Нуткий фаолият, лабдан укиш, огзаки нуткни эшитув ва эшитув-курув оркали кабул килиш каби нуткий кинестезияларнинг аоалашуви карлар талаффузига катта талабларни куяди.

Карларни талаффузга ургатиш таълимининг мазмуни укувчиларда огзаки нуткни куроллантириш учун зарур булган билим, куникма, малакаларни шакллантиришни уз ичига олади. Талаффузга куйиладиган умумий талаблар билан бирга нуткни, овозни фонетик куроллантириш , иборали интонация, талаффузнинг умумий суръати ва даражаси каби кисимли талабларни хам назарда тутиш лозим.

Нуткий нафас талабларини курсатиб утиш зарур. Барча умумий ва кисмли талаблар карларнинг  талаффузга ургатиш мазмунида, махсус дастурда уз ифодасини топади.

Тотйёрлов синфи – сузнинг товуш таркиби устидаги ишнинг биринчи боскичи. Бу боскичда болалар 17 та асосий товушлар талаффузини узлаштирадилар. Укувчилардан асосий товушлардан иборат сузларни аник талаффуз килиш талаб этилади.

Суз ва ибора устида ишлаш билан бирга таълим мазмунига овоз ва нуткий нафас устида ишлаш: меъёрий темордан фойдаланиш сузли ургу билан боглик равишда овоз кучининг узгариши устида иш олиб бориш киритилади.

Иккинчи боскичда (1 ва 2 синф) сузнинг товуш таркибидаги ишлар сузларни талаффузини чукурлаштириш ва аввалги алмаштирилган товушни тиклашни уз ичига олади.

Шундай килиб, талаффузга ургатиш дастурига куйидаги билимлар киритилади.

1. Нуткий нафас. Ишнинг мазмуни-укувчиларда бир нафасда киска суз ва ибораларни талаффуз килиб нафасдан тугри фойдаланиш малакасини шакллантириш, шунингдек ибораларни синтагмаларга ажратиш малакасини ишлаб чикиш.
2. Овоз. Ишнинг мазмуни-укувчиларда овоздан нормал баландликда ва купол бузилишларсиз фойдаланиш малакасини ишлаб чикиш.
3. Товушлар ва уларнинг ифодаланиши. Ишнинг мазмуни-укувчиларда она тилининг барча товушларини тугри айтиш ва уларни сузларда ифодалаш малакасини шакллантириш.
4. Суз устидаги иш. Уз ичига а) суз ургуси
   б) орфоэпик коида
   в) нутк темпини

олади.

Бу иш укувчиларда сузларни равон, товуш таркибини саклаган холда, нормал суръатда, ургуларга риоя килган холда талаффуз килиш малакасини шакллантиради. Ургулар интонациялар тугри куйилмайди. Шу билан бирга нормал эшитувчилар орасида хам нутки тушунарсиз булганлар учраб туради.

Карлар нутеини ким кабул килиши нуктаи назаридан фонетик жихозланишини хисобга олиб, нуткнингн жаранглашига, уни нормал эшитувчи ва сузловчи кишилар нуткига якуинлаштириш чора-тадбирлари курилади.

Бунга овознинг сифатти, фонемаларнинг айтилиш сифати, ургуларга эътибор бериш, сузлардаги орфоэпик меъёрлар киритилади.

Огзаки нутк карларнинг атрофдагилар билан мулокати воситаси сифатида мухим роль уйнайди. Агар карнинг нутки тула тушунарли булмаса тилни узлаштиришга кафолат бериб булмайди, нуткий тафаккур баъзаси булиб хизмат кила олмайди, бу ёзма ва дактил нутк хисобига компенсацияланади.

## Эшитув иброкини ривожлантирув ишининг системаси

Огзаки нуткий шакллантириш шартларидан бири карларнинг нуткий эшитиб идрок килиш кобилиятини хамда нуткий эшитувни ривожлантириш булиб хисобланади. Бу кобилият таълим тарбия жараёнида марказий нерв системасининг юкори эшитувчанлиги, кабул килувчанлигидан ривожланади. Купгина кар болаларда эшитув идроки сакланган булиб, бу овоз кучайтирувчи аппаратлар ёрдамида махсус машгулотларда янада шакллантирилади.

Нуткий эшитувни шакллантириш ишини вазифаси карларда эшитув колдигини интенсив ривожлантиришдир, бунинг замирида эшитув курув ёки огзаки нуткий идрок килиш асоси вужудга келади, нуткий мулокот малакаси шаклланади. Шу билан бирга кар болаларга атроф мухитда ориентир олишга ургатиш учун нуткий булмаган товушлар хакида хам маълумотлар бериш лозим.

Нуткий эшитувни ривожлатиришнинг асосий шартларидан бири нуткий эшитув мухитини хосил килиш булиб бу овоз кучайтирувчи аппарат ёрдамида карлар томонидан турли типдаги нуткларни доимий идрок килиб боришни таъминлайди (стационар овоз кучайтирувчи аппаратлар, индивидуал эшитув аппаратлари).

Карларда нуткий эшитувни шакллантириш узок давом этувчи эшитув машклари жараёнида ривожланиб боради. У икки боскичга булинади.

I боскичда карлар педагог ёрдамида турли хил фразаларни, сузларни, солиштиришлари учун овоз кучайтириш аппарати билан нуткий сигнални ажратиб кабул килишга урганадилар, махсус машклар утадилар.

Укувчиларда эшитув колдиклари канчалик яхши сакланиб колган булса узлаштириб олиш натижалари шунча юкори булади (айникса 250Гц – 500Гц).

II боскичда карлар ооз кучайтириш аппарати ёрдамида нуткнинг фонетик тузилишини эшитиб ажратиб кабул килишга урганадилар. Бу боскичда сузларни эшитиб кабул килиш таълими таъсирида эшитув ва курув орасидаги узига хос богланишлар усади.

Карларда нуткий эшитувни ривожлантириш иши жараёнини методлари ва таркибига кура уч даврга: бошлангич давр (тайёрлов – биринчи синф); асосий давр (иккинчи – бешинчи синфлар); ва индивидуал аппаратлардан актив фойдаланиш даври (олтинчи – еттинчи синф) булинади.

Бошангич даврда карларда нуткий эшитувни ривожлантириш учун шароит яратилади, эшитув захираси аникланади.

Асосий давр эшитувни интенсив ривожлантириш билан характерланиб карлар томонидан нуткни кабул килиш огзаки нуткнинг шаклланишида ривожланаётган эшитув идрокидан актив фойдаланишида малакалари тараккий этади. Бу даврда эшитув идрокини узок машк килдириш, овоз кучайтириш аппаратларидан фойдаланиш маълум микдорда эшитув идрокини компенсация килишга катта ижобий ёрдам беради.

Бу даврда карларда нуткий эшитувни ривожлантиришнинг мувоффакияти огзаки нуткни шакллантириш, болаларнинг аклий ва нуткий ривожланганлиги даражаси, сузларни узлаштириш а талаффуз малакаси, тилнинг грамматик тизими, карларнинг билиш фаолияти ривожланиши мактабдаги барча ишларнинг кандай ташкил этилганлигига боглик булади.

Карларнинг эшитув идроки асосий мустакил инициатив булиб колиши учун у хам сухбатининг унга каратилган нуткини тушунибгина колмай, уртача равонликда гапира олиши, суз ва Суз бирикмаларини сидиргасига талаффуз кила олиши, ургуларни ажратиш, сузни товуш бирикмаларини иложи борича аник ёки аникрок шакллантириш керак.

Мактабда нуткий эшитув режимини ташкил килиш укитувчининг укувчи нуткини дактил формасидан тугри фойдаланиши мухим ахамиятга эга.

1 – синф укувчилари биринчи ярим йиллик давомида дактилда гапириш техникасини, куллар харакатини, харф таркибини аник курсатиши, тезлик, огзаки ва дактил гапириш тузилиши ва хусусиятларини узлаштирадилар.

Мусика ритмик машгулотларида, индивидуал машгулотлар, эшитувни ривожлантириш хоналаридаги дарсларда материал асосан огзаки – дактилда гапиришади.

2 – синфдан – 12 синфгача укувчилар катталари билан факат огзаки гаплашадилар, айрим сузларни гапиришда кийналсаларгина нуткни

огзаки дактил формасидан фойдаланадилар. Нуткнинг огзаки дактил формаси укувчилар укитувчини берган саволларига жавоб беришда ишлатишади. Мусикий – ритмика машгулотларида ва индивидуал машгулотларда нуткнинг дактил формасидан факатгина сузнинг харф товуш талаффузида кийналишганда фойдаланишади. Суз хам огзаки, хам дактилда гапирилиб кейин албатта дактилсиз гапиришади.

Нуткий товушни ривожлантиришда тугри ташкил этилган нуткни эшитиб идрок килиш машклари асосий уринни эгаллайди. Бу машклар таълимнинг барча йилларида умумтаълим дарсларида, мусикий – ритмика дарсларида, асосий синфдан, ташкари машгулотлар утилади.

**Фронтал машгулотлар.**

Фронтал машгулотлар (дарслар, синфдан ташкари ишлар). Эшитув, курув укувчилар томонидан кабул килишининг асосий усули булиб хисобланади. Нуткий материални эшитувни кабул килиш буйича машклар 1 синфдан бошланади, бунда сузлар экран оркасидан икки мартадан куп кайтарилмайди. Агар материални эшитиб идрок кила олмасалар унда курув, эшитув оркали кабул килинади, укитувчи томонидан доскага ёзилади. (ёки табличка оркали курсатилади) укувчилар уни укишади ва яна факат эшитув оркали идрок килдирилади. 3 синфдан бошлаб укувчилар факатгина укувчи нуткини идрок килибгина колмай бир – бирларини нуткини хам эшитиб идрок киладилар.

Дарснинг боришида укувчиларни эшитганда янги ва нотаниш булган тоушли материални идрок кила олиш таълими буйича доимий иш олиб борилади. Бу дарс мавзусини эълон килиш, алохида сузларни, суз бирикмаларнинг ва фразаларни айтишдир.

Идрок килишга ёрдам беришда турли хил дидактик кулланмалар (суратлар, табличкалар, кесма матнлар)дан доскага ёзишдан фойдаланилади, бу материални эшитиб идрок килишга ва фарклашга дарснинг асосий таркибини узлаштириб олишга ёрдам беради.

Укувчиларни эшитув идрокини ривожланиш даражасига караб укитувчи уларни суз ва суз бирикмалари фразаларни эшитиб идрок килиш таълимига ургатибгина колмай бугинлар ва алохида товушларни ургатишга хам алохида диккат каратади. Бу иш талаффуз малакаларини коррекция ва автоматизация килишда вазифани эшитиб идрок килаётганда хатоларни тугрилашда олиб борилади.

Шундай йул билан кар укувчиларни эшитув идрокини актив машк килишга шароит яратиб беради, фронтал машгулотларда таълим самарадорлигини бутунлай ошириш мумкин.

**Индивидуал машгулотлар**

Индивидуал машгулотлар (тайёрлов 5 – синфлар). Нуткий материални идрок килишнинг асосий усули эшитув оркалидир. Дарс давомида нуткий материални беш марта такрорлаганда хам эшитиб идрок кила олмасалар унда укувчиларга эшитув, курув таклиф килинади, кейин эса факат эшитиб идрок килишга берилади, шунинг учун эшитув, курув идрок ёрдамчи кулланма сифатида фойдалинилади. Индивидуал машгулотларда нуткнинг дактил формаси факатгина укувчи суз таркибини айта олмай колгандагина ишлатилади.

6 синфдан бошлаб огзаки нуткнинг эшитув, курув идрокини машк килдириб борилади. Бу кейинчалик нуткий материални эшитув идрокига ургатади. Машгулот давомида укувчилар утган йиллардагидек нуткий материални эшитиб тушунишга фарклашга таккослашга урганадилар.

6 – 12 синфларда асосий нуткий эшитувни ривожлантирувчи ишни матнлар ташкил этади. Укувчилар томонидан эшитув, курув оркали идрок килинади, кейинчалик эса нуткий материалларни факатгина эшитиб идрок килишга урганадилар. Индиидуал машгулотларда бу синфларда нуткнинг дактил формасидан умуман фойдаланилмайди. Нуткий материални идрок килишга кийналганларида ёзма нуткдан фойдаланиладилар. Тайёрлов синфларда биринчи чоракда барча индивидуал машгулотлар болаларда талаффуз малакасини шакллантиришга каратилади. Таълимнинг бу даврида улар овоз кучайтириш аппаратидан фойдаланишни урганадилар.

РСВ буйича ишлар иккинчи чоракдан бошланади. Хар бир индивидуал машгулот вакти барча синфларда булиниб чикилади: дарснинг бир кисми РСВ учун, иккинчиси талаффуз таълимига ургатишга ажратилади. Талаффузга ургатиш таълими жараёнида нуткий материални факатгина эшитиб идрок килишга ургатиш машклари хам утказилади: укувчилар эшитганларини тугри ва нотугрилигини фарклашга, товушларни сузларда ва бугинларда ажратишга, эшитувга таяниб намунани тугри тасвирлашга урганадилар.

3 – синфдан бошлаб индивидуал машгулотлар бир гурух (2 – 3 та) укувчилар билан бир вактнинг узида олиб борилади.

Дарснинг бориши давомида укувчилар факат эшитув ёки эшитув, курув оркали идрок килинган топширикларни бажарадилар, саволларга жавоб берадилар, матнларни эшитув, курув ёки эшитув идрокига урганадилар эшитиб диктант ёзишга урганадилар.

Укувчиларнинг мактаб таълимининг бошидан охиригача (1 – 12 синфлар) доимо талаффуз томонидан янги ва нотаниш булган нуткий материални эшитиб идрок килишга ургатиб борилади.

Кар укувчилар билан олиб бориладиган РСВ буйича ишлар турли овоз кучайтириш аппаратлари ёрдамида нуткни кучайтирувчи тугри танланган шароитда ташкил килинади. Таълимнинг барча йиллари давомида синфларда гурухли фойдаланиш учун стационар аппаратлар ишлатилади. 1 – 3 синфлардаги индивидуал машгулотларда стационар овоз кучайтириш аппаратларидан фойдаланилади. 3 – синфнинг иккинчи ярим йиллигидан бошлаб стационар овоз кучайтириш аппаратлари билан бирга индивидуал эшитув аппаратлари хам берилади. 5 – синфдан бошлаб укувчилар факат индивидуал эшитув аппаратидан фойдаланишади.

1 – 3 синфларда укитувчининг столида кулокликлар булиши шарт, чунки укувчи стол ёнида жавоб бераётганда узининг нуткини эшитиши керак. 4 – синфдан бошлаб укувчи доска ёнида жавоб бераётганда индивидуал эшитув аппаратидан фойдаланилади. Укувчи жавоб бераётганда бутун синф эшитиши учун укитувчининг микрафонига гапириши керак булади.

Стационар аппаратда нуткни кучайтириб бериш режим хар бир укувчининг эшитиш даражасига ва индивидуал шахсий хусусиятларига караб белгиланади. Биринчи ишда режим огир эшитадиган кулокка созланади, кейин икала кулокка бараварига созланади. Агар аппарат факат битта кулокка созланадиган булса унда нуткни кучайтириб бериш режим енгил эшитадиган кулокка созланади.

Аввалига сузлар фразаларда берилади. Бунда янги сузнинг товуш томони укувчиларга таниш булади. Масалан укувчига «уй расмини чиз» фразаси таниш (эшитув машкларида берилган) хамда «бола» сузи хам таниш эшитувга «бола расм чизди» фразаси берилади. «чизди» сузини талаффуз томони укувчига нотаниш булиб маълум контектда кабул килади бу идрок килишни маълум микдорда устиради. Агар бу фраза 5 марта такрорланганда хам эшитиб идрок кила олмасалар эшитув курув оркали такрорланади, кейин яна факат эшитиб кабул килишга берилади.

## УКИТИШНИНГ ДАСТЛАБКИ ДАВРИДА ЭШИТУВ ИДРОКНИНГ РИВОЖЛАНТИРИШ БУЙИЧА ОЛИБ БОРИЛАДИГАН ИШЛАРНИНГ УЗИГА ХОСЛИГИ.

Эшитув идрокининг ривожлантириш буйича олиб бориладиган ишларнинг дастлабки боскичида нутксиз товшуларни урганишдан бошланади. Бу товушлар купрок садо чикариш, частота характеристикаси турли туман булади, шунингдек товуш номини белгилашда суз запаси унга куп талаб килинмайди. Бу болалар учун,

айникса махсус тайёргарлиги булмаган болаларнинг мактабга чикишида жуда мухимдир. Нутксиз товушни болалар тез илгаб оладилар.

Нутксиз товушларни урганишдан асосий максад, болаларда аторф – мухит хакидаги тасавурини аниклаш, уларнинг эшитув анализаторларини турмушга, яъни кундалик хаётга йуналтирмок, сунгра нуткини идрок этишга тайёрлашдир. Нутксиз товуш оркали эшитув идрокини ривожлантириш программаси шундай тузилган, бунда укувчилар эшитиш кулай булган товшулардан (доира, най) лекин бир – биридан кескин фарк киладиган товушлардан фойдаланилади.

Секин – аста унча баланд булмаган товушларни фарклашга (гармоника ва металлофон) утилади. Бир вактни узида товушни нутк билан аниклашга, яъни укувчиларни нутк конструкцияси билан (доира овози чапдан келяптими?, мен доира овозини эшитяпман) товушни англшга ургатилади.

Нутксиз товуш оркали  эшитув идрокни ривожлантириш буйича ишлашда дастлаб товушларни идрок этишда товушларни фарклаган ёки фаркланмаган товушга булиб урганади.

Нутксиз товушни идрок этишда фаркланадиган товуш деганда келиб чикиши номаълум товуш, яъни укувчи товушни эшитади, лекин уни каерда чикканлигини аниклай олмайди.

Фаркланмаган товушни идрок этиш буйича буладиган дастлабки дарсларда укувчиларнинг эшитиш диапазони частотаси ва динамикаси хисобга олинган нутксиз товушлардан фойдаланилади. Бунинг учун товушларни интенсивлиги ва частота характеристикаси буйича, етарли даражада кучлиги буйича шаклланади, яъни болалар бу товушларни товуш кучайтиргич аппарати ёрдамида эшита олишлари керак. Бунда болалар агар товушни эшитса кулларини кутарадилар.

Укишдан (ишдан) олдин укитувчи укувчиларга товуш келадиган манбаъни курсатади (доира,  . . . . . . . ) доира товушини эшиттириш, укувчиларнинг эшитиш кобиляти ва куриш хусусиятидан фойдаланиб, товшуни идрок этишда (доира чалингандан сунг), яъни эшитса укувчи кулини кутарали, агар товуш булмаса кулни кутираши керак эмас.

Хар бир укувчи товшуга мослаб кутара бошласа, унда товушни эшитиб идрок этишга утиш керак.

Укитувчи укувчига кузини юмишини, бошини эгишини ва 2-3 марта доира чалишни (доирага уришни)  сурайди, товушни эшитган укувчилар кулларини кутаришлари керак.

Укувчиларни текшириш учун укитувчи айрим пайтда доирани чермайди, укувчидан кузини очишага илмтиос килади ва товушни эшитдиларингми деб сурайди. Укитувчи дарсни то хар бир укувчи

урганиб олмагунча ёки товушни фаркламагунча давом эттиради, купчилик укувчи узлаштиргандан кейин дарсни тугатиш мумкин.

Олиб бориладгина дарсни янада такомиллаштириш учун куйидаги машклар бажарииши лозим.

1.Укувчиларга байрокчалар таркатилади. Укувчи асбоб ёрдамида товшу чикаради, укувчилар байрокчаларини кутаради, товуш эшитмаслар байрокни кутармайдилар.

2.Укувчилар укитувчи утирган столга оркалари билан турадилар, товшу эшитишлари билан турган жойларида юриш маршини киладилар, товуш тухташи билан улар хам тухтайдилар.

Нутксиз товушни идрок этишда фаркланган товуш деганда товушни идрок этишда унинг келиб чикиш манбаъини бола аник айтиб бера олади, яъни бола доира товушини ёки кунгирок товушини аник айтади. Бунда албата товшу кучайтиргич аппаратидан фойдаланиш керак.

Биринчи дарсларида бир – биридан товшулар кескин фарк киладиган товуш манбаъларидан, масалан, доира ёки найдан фойдаланилади.

Укувчи эшитув идроки билан най товушидан, доира товушини албатта фарклай олиши керак, укитувчи берган намуна оркали нуткни ифодалай олишлари керак.

Дастлаб, укитувчи укувчиларда бу уйинчогни билиш – билмаслигини анкилаб олади. Масалан, уйинчокни курсатиб бу нима дейди. Агар укувчи айтишга кийналса, унда укитувчи бу уйинчок номини узи айтади. Доскага расм (бирор нарсани ифода этган) ва уни тагига нималиги ёзиб куйилган (жадвал) осиб куйилади, масалан,

Бу барабан

Жадвални доскага осиб куйгандан сунг, укитувчи укувчиларга шу уйинчокдан чикадиган товушга кулок солишни буюради ва савол беради.

«Сен нима эшитдинг» (Саволлар доскага илгари ёзилган булиши керак). Укувчи жавоб беради. «Мен най товшуини эшитдим». Бу вазифа утиб булингандан кейин укитувчи факат товшуга суянган холда иш олиб

боради. Секин – аста Янги товшулар кушиб борилади. Дарсда 4-5 товушдан ортик фойдаланиш тавсия этилмайди. Уша ишлатилган 4-5 товушнинг ичида 3 таси янги булиши керак.

Товушлар сони канча куп булса, болалар уларни фарклашда унча куп кийналдилар. Кейинги дарсларда боаллар бир – бирига якин булган товшуларни фраклашга утадилар, масалан барабан товшуидан доира товушини, най товшуидан хуштак товушини, метлафон Билан гармоника. Бу вазифани турли уйинди машклардан утказиш мумкин.

1.Болалар доира шаклида турадилар, хар бирини кулида товуш чикарадиган уйинчок. Бошловчини кузини бойлаб куядилар. Укитувчи ишораси билан укувчилардан бири уйинчоги оркали товуш чикаради. Бошловчи эса канака товуш эшитганини анкилаши керак.

2.Болалар партада утириптилар, улар олдида товуш чикарадиган уйинчок ёки расм бор. Укитувчи товуш чикаради, укувчи уйинчогини ёки расмни кутаради ва шун-га мослаб нутк товшу чикаради. Кейинги дарсларда укувчиларга асбобда чикарадиган сигналлар сонини аник-лаш топширилади. Укитувчи барабанга уриб товшу чикарар экан, бир вактни узида бармоги билан ар бир чиккан товшуни санай бошлайди. Укувчилар эса дастлаб укитувчи билан бир – галикда такрорлайдилар, кейин эса, мустакил узлари санай бошлайдилар. Бир неча марта бу машк турли асбобларда укувчилар томонидан такрорланади. Бунда укувчилар курув анализаторларисиз эшитув идроки ёрдамида чиккан сигнал – ларни бармоклари билан санайдилар. Билимни мустахкамлаш учун шундай машк утказиш мумкин. Укитувчи асбобда маълум марта (бир неча) сигнал беради, укувчилар эса бармок ларида эшитган сигналларини санайдилар, чапак чаладилар (масалан туртта сигнал эшитсалар турт марта чапак чаладилар асбобларда такрорлайдилар, айлана тайёкчалар чизадилар, санок чупларида санайдилар. Геометрик шакллар ясайдилар.

Дарс программасида томшув чикиш манбаъи томонлари, яъни товшу кайси томондан чикяпти, унгдами, чапданми, олдинданми, оркаданми? Ана шуларни хам аниклаш. Бу вазифа товуш кучайтиргичсиз олиб борилади. Бунда дарс эшитувнинг курув анализаторларига суянган холда олиб борилади. Кейинчалик дарс факат эшитув анализаори ёрдамида олиб борилади. Биринчи навбатда товушлардан бошлаш керак, чунки товуш инсон амалий ахамиятга эга, масалан эшик такиллатилади ёки кунгирок чалинади, автомашина утиб кетганда албатта шовкин эшитилади.

Укувчининг вазифаси товуш чиккан манбаларни аниклаш ва луарни нутк билан ифодалашдир. Машк бошланишида товшу манбаи айтилади ва кул билан тошву чиккан томон курсатилади. Товуш чиккан манбаини айтишдан олдин, укувчиларга чап, унг, олд, орка тушунчаларини маъносини яхшилаб ургаиш керак. Болаларга шундай савол бериш мумкин: парта каерда жойлашган? Доска кани? Дераза эшик каерда? Бу машкларни иложи булса кенг, катта хонада олиб бориш керак, хонанинг туртта бурчагига кучайтиргич динамиклари урнатилиши керак.

Укувчилар хона уртасига айлана шаклида турадилар. Сунгра динамиклардан галма – галдан товшу чикарилади, укувчи кайси томндан канак товшу келангини аниклайди.

Куйидаги машк тавсия этилади.

1.Болалар катта айлана хосил килиб турадилар. Уларнинг хар бирларида товшу чикарувчи асбоб (уйинчок), бошловчи айланани уратсида туради, уни кузи бойланади. Болалардан бири кулидаги уйинчоги оркали товшу чикаради, бошловчи товшу чиккан томонни кули билан курсатди ва жавоб беради.

Мен гармоника товушини унг томондан эшитдим.

2. 4 та укувчи хонанинг 4 та урчагига турадилар. Бошловчи хона уртасида туради, унинг кузини бойлаб куйишида. Укувчилардан бири уйинчоги билан товшу чикаради, бошловчи товуш чиккан томонни кули билан курсатади, кайси уйинчогидан товуш чикканлигини аниклаб айтади, товуш чиккан томонгга, бола ёнига боради. Эшитув идрокини ривожлантириш буйича олиб борилган программанинг бирида товуш садосининг баландилиги, кучли ва давомийлиги, кетма – кеткушилганлиги ва узлуксизлигини анкилашга мулжаланган. Бу булимнинг вазифаси болаларни товшуни узун ва кискалиги, кушилган ва узилганлиги, баланд ва пастлигини аниклай олишга ургатишдир.

Бу вазифани укувчилар товуш чиккан манба ва йуналишини, аниклай оладиган булганларидан кейин бошлаш керак.

Бошида укитувчи эшитув ва курув анализаторларига суянган холда болаларга иккитагача товушни эшитишни таклиф этади (узун ва киска) ва сурайди. «Товушлар бир – биридан нима билан фаркланади». Укувчилар укитувчи билан аниклай бошлайдилар: бита товшу – узун , иккинчиси киска. Укитувчи доскада товшуларни график тасвирини тугри чизиклар билан чизади.

| **узун** | **киска** |
| --- | --- |

Укувчилар олдин укитувчи билан биргаликда, кейинчалик мустакил равишда товушнинг узун - кискалигини курсата бошлайдилар. Бунда улар кулларини горизонтал йуналшида катта очадилар – демак бу узун товуш, киска товушни аниклашда кулларни салгина очадилар. Машк нутк билан жур булиб олиб борилади. Мен барабаннинг киска (узун) товшуни эшитдим ёки барабан узок жаранглади. Болалар товшунинг узун – кискалигини аниклай олганларидан кейин, товушнинг бошка хусуситяларини ургана бошлайдилар. Масалан: товушнинг паст – баландгили, кушилган ёки узиоклиги худи шундай машклар билан урганилади. Юкоридаги машкларни нутксиз товуш ритмларини фарклашга, оддий хосил булган килувчи товушларни урганишда утиш керак.

Бу булим вазифаси хам купгина киска товушлар ичида узун товушни аниклаш, оддий бугин хосил килувчи товшулар ритмини эшитиб аниклашга ва уларни овоз (товшу)да такрорлашни билишга багишланади. Бу машклар укувчиларда эшитув идрокни ривожлантиради ва суздаги ургули бугинини фарклашга ургатади.

Шунинг учун нутк ритмларини фарклаш буйича бажариладиган машкларини бир неча калта товушлар ичида бита узун товушни ажратиб олиш керак ва овоз билан шу узун товушни оддий бугин хосил килувчи товушларни курсатиши керак. Масалан: тата, татата.

Нутксиз ритмларни график усулда тасвирлашда куйидаги белгилардан фойдаланилади ( кавс устида чизикчаси Билан, ургуси булса кавсни узи ).

Укитувчи укувчиларнинг эшитиш ва курув идрокига суяниб, бир катор барабанда жаранглайдиган товушлар ичида узунрогини танлайди ва бу ритмни кафтлари билан чапак чалиб ёки партага ёки барабанга кули билан уша охангни уриб бажаради: ритмни доскага ёзиб яна такрорлайди.

Бир катор машклар бажарилгандан кейин укувчиларга шу ритмни факат эшитув оркали такрорлаб ва барабанда бажаради. Кейинги дарсларда узунрок товшуни бугин хосил килувчи товшулар билан боглик холда бажариш керак, бунда бугинлардан бирини узунрок ва зур ериб айтилди. Бу бугин хосил килувчи товшуларни доскага нутксиз ритмларни ифодаланган белгиларга мослаб ёзилади.

Уларни бажаришда олдн бир – бирига куишлагн холда, кейинчалик товшуларни кайтаиб бажарилади.

Билимлари мустахкамлаш учун куйидаги машларкни бажариш керак.

1.Укитувчи садо (ритм) бажаради, укувчи чапак чалиб шу саодини бажаради.

2.Уктувчи ёки бошловчи барабанда ёки доирада ритм бажаради, укувчилар уни бошка асбобларда бажарадилдар.
3.Укитувчи асбобларда ритм бажаради, укувчилар эса ритмни график белигисни ёзадилар.
4.Укитувчи ёки бошловчи огзида бугинли ритм бажаради (масалан, татата, татата), укувчилар эса бугин хосил килувчи ритмни ёзиб оладилар ва луар хам огизларида айтадилар.

Болаларда айникса кулоги огир болларда хайвонлар ва кушлар товшуни фарклаш буйча олиб бориладиган машклар зур кизикиш уйготади.

Навбатдаги булим, бу граммофон пластикнасидаги ёзувдаги овоз характерини аниклашдир ( . . . . . . . . .. ни вальс ва полкадан, ашуладан гапдан, хорни яккахон аушладан, эркак овозини Хотин киши овозидан фарклаш ).

Бу булимнинг асосий вазифаси – музика ритмлари характерини аниклаш уларнинг охангига караб солиштириш (97 бет). Программанинг булимларидан бири укитувчи овози билан укувчи овозини эшитув идрокига караб фарклаш.

Шу машклар ёрдамида укувчиларни атрофдагиларнинг нуткини тушунишга ургатиш. дастлаб болалар этилган овоз кимга тегишли эканлигини анклашга урганадилар. Секин-аста улардан нутк мазмунини аниклаш хам талаб этилади. Бу мшалклар укитувчи ёки навбатчи синфда йуклама килиш билан бошланади. Кейинчалик шеърни ким укигани аниклашга утилади. Бунинг учун укитувчи томонидан укилган шеър парчаси доскага ёзилади. Ва укувчилар бу парчани эшитиб тинглашлари керак, аникроги 2-3 укувчи овоз чикариб укиши керак. Шундан кейин укитувчи укувчилардан ким шеър укиналигини сурайди.

**Мундарижа**

**§ 1. Кар болаларни оғзаки нутқига ўргатишнинг умумий асослари.**

**1.** Эшитишида нуқсони бўлган болаларнинг эшитув идрокини тадқиқ қилиш методлари.

- Эшитиш қобилиятини аудиометр ёрдамида текшириш;
- Нутқ аудиометрияси;
- Болаларда эшитув идрокини тадқиқ қилиш.

**2.** Ўқитишнинг дастлабки даврида эшитув идрокининг ривожлантириш бўйича олиб бориладиган ишларнинг ўзига хослиги.

- Нонутқий товушлар билан танишиш;

**§ 2. Эшитишида нуқсони бўлган болалар мактабида гапларни фарқлаш бўйича олиб бориладиган ишлар ва уларнинг тартиби.**

- Карточкалар билан ишлаш;
- Расмлар билан ишлаш;
- Конструктив расм ёки макет билан ишлаш;
- Топшириқларни бажариш.

**§ 3. Эшитув идрокини ривожлантириш ишининг тизими.**

- Фронтал машғулотлар;
- Индивидуал машғулотлар;
- Талаффузга ўргатиш даврлари;
- Карларда нутқий нафас, овоз ва товуш қўйиш усуллари.

**§ 4. Карларни талаффузга ўргатиш методикаси**

**1.** Талаффузга ўргатиш ишларини ташкил этиш шакллари.

- Ўқув чорагида ишни режалаштириш;
- Талаффузга ўргатиш дарслари;
- Оғзаки нутқ ва унинг ривожланиш хусусиятлари;
- Шахс шаклланишида нутқнинг тутган ўрни;
- Эшитиши идрокини ривожлантириш;
- Нутқнинг кўрув идрокини ривожлантириш (лабдан ўқиш);
- Карларни талаффузга ўргатиш методлари;
- Эшитишида нуқсони бўлган болаларни ўқитишда нутқдан фойдаланиш.